Ўзбекистон Давлат китоб палатаси
26 ФЕВ 1993

Халқ зиёлилари рўзномаси

Маърифат

معرفت

MARIFAT

1931 йил 4 июлдан чиқа бошлаган

1993 ЙИЛ 24 ФЕВРАЛЬ, ЧОРШАНБА

№ 13 (8524).
Баҳоси 5 сўм.

Маорифимиз жонкуярлари

ИШБИЛАРМОН РАИС

Кўпдан бери жамоа хўжалиги бошқарувининг раиси ҳақида дилимдаги миннатдорчилик фикрларини ёзиш ниятим бор эди. Аммо кўп андишаларга бориб, иккиланиб юрардим. Сабаби айримлар раҳбар ҳақида ёзишни хушомадга йўядилар. Лекин маърифатпарвар инсоннинг хизматларини элга кўрсатишни одамийлик бурчини бажаришдек муқаддас иш деб, қўлимга қалам олдим.

Раҳматилла ака хўжаликка раҳбар бўлганидан бери кўп вақт ўтгани йўқ. Бор-йўғи беш йил бўлди. Шу йиллар ичида ҳал қилинмаган маориф соҳасидаги талайгина муаммолар ўз ечимини топди.

Хўжаликнинг дашт участкасидан 7-тўлиқсиз ўрта мактаб учун мўлжалланган бино қурилиши аччиқ ичакдек чўзилиб келарди. Янги сайланган раис бу бўлимнинг истиқболини, аҳолиси сонининг янги ерлар ўзлаштирувчилар ҳисобига кескин ошаётганини ҳисобга олиб, меҳнаткашлар фарзандларининг ўқишидан кўнгли тўқ бўлишини истаб, мактаб биносини ўқув йилининг бошида қуриб ниҳоясига етказиш лозимлигини олдига мақсад қилиб қўйди. Тегишли ташкилотларга елди-югурди.

Ниҳоят дастлабки орзу амалга ошди. 360 ўринли замонавий бино билимга ташна янги ерларни яшнатувчиларнинг фарзандларини ўз бағрига олди. 7-тўққиз йиллик мактаб ўрта мактабга айлантирилди.

Илк режа муваффақиятли амалга оширилганидан хурсанд бўлган раис маориф соҳасидаги қадамини дадил босиши учун ишонч ҳосил қилди. Шу боис 8-ўрта мактаб учун 240 ўринли бино қурилишини ҳам амалга ошира бошлади. Натижада 1990 йил 1 сентябрь ҳам хўжаликда яна тантана билан кутиб олинди. Чунки 8-ўрта мактаб ҳам янги бинони спорт зали билан бирга қабул қилиб олди. Мактабда 700 га яқин ўқувчи бир сменада машғулот ўтказиш имкониятига эга бўлди. Қишлоқнинг кексаю ёши, ота-оналар, қувноқ болалар йиғилган мактаб ҳовлисидаги митингда сўзга чиққан раис қувончини яшира олмай шундай деди:

— Ҳурматли ота-оналар! Азиз келажагимиз ворислари! Мен дастлабки истагимни амалга оширдим. Эндиликда хўжалигимиздаги иккита мактаб дарсларни бир сменада олиб борадиган бўлди. Худудимизда ёрдамимизни кутаётган яна учта мактаб бор. Ниятимиз уч йил ичида шу мактабларнинг ҳам моддий базасини мустаҳкамлаб, уларда ўқиш бир сменада олиб борилиши учун имконият яратиб беришдан иборат.

Ҳа, раис келажакни олдиндан кўра биладиган, режани аниқ оладиган тадбиркорлардан экан. Мана беш йилдан буён ҳар йили 1 сентябрда янги бир мактаб биноси қурилиб, фойдаланишга топширилянти. 1991 йилда 77-бошланғич мактаб учун 240 ўринли бино қурилиб, мактаб тўлиқсиз ўрта мактабга айлантирилган бўлса, ўтган йили бизнинг 5-мактабда ҳам шундай байрам бўлди.

Мен раҳбарлик қилаётган 5-ўрта мактаб хўжалик худудидаги йирик ўқув масканларидан бири. Бу билим масканига 5 та қишлоқдан болалар келиб ўқийди. Турсунхўжа қишлоғи 3 чақирим масофада жойлашган. Бу узоқ қишлоқдан 1-синфга келадиган кичкинтойлар қиш чилласида совуқдан озор чекадилар. Шу сабаб ҳар йили куз-қиш фаслида болаларни мактабга ташиш учун хўжаликдан битта автобус ажратиларди. 1991 йили кузида яна шу муаммони ҳал қилиш мақсадида раис ҳузурига бордим. Салом-аликдан кейин:

— Хўш, домла, хизмат, — дея раис менга синчковлик билан қаради. Мен ёш болалар қийналаётганини айтдим. У мақсадимни дарҳол тушунгач:

— Майли бу йил автобус ажратамиз. Лекин кўриб турибсиз, ёқилғи баҳоси осмонда, қиммат бўлса ҳам бир амалтақалини қиламиз. Аслида янги мактаб қурмасак бўлмайди. Сиз ташвишдан, биз ҳаражатдан қутилмаймиз, — деди.

Хўжалик етакчисининг фикрини жондилдан маъқулладим.

Раис бир сўзлик. Шу сабаб куз ойидаёқ янги бино учун ер ажратилди, қурилиш бошлаб юборилди. Ота-оналарнинг ҳимматлилиги, раҳбарнинг тадбиркорлиги самараси ўлароқ 1992 йил 1 сентябрь куни Турсунхўжа қишлоғи фарзандлари учун азалий орзу ушаладиган кун бўлди. Мактаб болалар учун бағрини очди. Янги мактабга 40 йил раҳбарлик қилган моҳир педагог, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси Латиф Элов номининг қўйилиши эса маърифатга, ўқитувчиларга билдирилган ҳурмат ва эъзоз белгиси бўлди...

Янги йил арафасида раис йўқлатибди. Хўжалик идорасига бордим. Раис хонасида қишлоқ шўроси раиси, хўжалик саркори, ҳисобчиси ва 5 та мактаб директорлари ҳам бор эдилар. Ҳол-аҳвол сўрашиб, бир-биримизни Янги йил билан табриклаб бўлганимиздан сўнг раис:

— Ҳурматли домлалар! Жамоаларингиздаги ўқитувчилар ва хизматчиларнинг рўйхатини берсангизлар. Хўжалигимиз ҳисобига келган шакардан озми-кўпми баҳам кўрсак! — деди.

Ҳа, шу тариқа 600 дан ортиқ ўқитувчиларнинг фарзанди янги йил кунлари бободеҳқоннинг беминнат саховати туфайли текин шакар чой ичадиган бўлишди.

Раис хонасидаги ўша кунги йиғилишда май ойида 5-ўрта мактаб учун 417 ўринли қўшимча қурилаётган бино фойдаланишга топширилиши, 1 сентябрда эса 6-ўрта мактаб учун 844 ўринли замонавий бино ишга туширилиши, шу билан хўжалик ҳудудидаги 6 та мактабнинг ҳаммаси янги ўқув йилидан бошлаб машғулотларни бир сменада олиб борилиши режалаштирилди. Режа қатъий, бунга асос ҳам бор. Чунки қурилишда ҳозир сўнгги пардозлаш ишлари амалга оширилмоқда.

Қурилиш ишлари тўлиқ ниҳоясига етказилгач, хўжалик худудидаги мактабларда таълим олаётган 2800 га яқин ўқувчи учун 3000 дан зиёд ўқувчи ўрни барпо этилади. Барча мактаблар типовой бинога, спорт зали, ошхонасига эга бўлади. Билим масканларида техника воситалари ва бошқа мебель ҳамда ўқув қуроллари билан жиҳозланган ёруғ хоналарда бир сменада машғулотлар олиб бориш имкониятлари барпо этилади.

Раис ҳузуридаги кенгашда мавжуд мактаб биноларини таъмирлаш, куни узайтирилган гуруҳ қатнашчиларига мева-сабзавот етказиб бериш каби масалалар ҳам ҳал қилинди. Бу борада ўтган ўқув йилидаги саховатли ишларни давом эттириш маъқулланди.

Дарвоқе, ўтган йили мактабларга бир гектардан унумдор суғориладиган ерлар ажратилиши яхши самара берди. Ҳозир мактаблар омборида сабзавотлар мўл. Бозор иқтисодидаги қийинчиликлар маҳорат ва тадбиркорлик билан бартараф этилмоқда.

Хўжаликда мактабгача ёшдаги болаларга ҳам етарлича эътибор ва ғамхўрлик қилинаётир. Мавжуд 6 та болалар боғчаси доимий ишлайди. Меҳнаткашларнинг деярли барча фарзандлари ардоқда. Барча болалар боғчалари типовой бинога эга. Мева, сабзавот, полиз маҳсулотлари, ёғ, шакар, сут биринчи навбатда кичкинтойларга ажратилади.

Ўзбекистон Президентининг ўқитувчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида қабул қилган фармонлар ижроси Каттақўрғон туманидаги «Пахтакор» жамоа хўжалигида бенуқсон амалга оширилмоқда. Муаллим ва тарбиячиларга томорқа ва қурилиш учун ўз вақтида ер ажратилди. Шу боис ҳар бир мактаб яқинида ўқитувчилар маҳалласи барпо этилмоқда, кўчалари ободонлашмоқда, хонадонлари газлаштирилмоқда.

Ҳа, биз тилга олган раис Раҳматилла Ибрагимов маорифнинг чинакам жонкуярларидан. Бу мақолада унинг маърифатга муносабати ҳақида ҳикоя қилдим, холос. Раиснинг ишбилармонлиги, тадбиркорлиги, моҳир деҳқонлиги ҳақида эса бутун Каттақўрғон тумани аҳли ифтихор билан сўзлайди: «Раҳмат сизга, ишбилармон раис!».

Менинг қалбимда эса ҳамиша бир тилак: «Шундай элпарвар кишилар бор бўлсин, элга ёр бўлсин!».

Н. НАРЗУЛЛАЕВ,
Самарқанд вилояти Каттақўрғон туманидаги 5-мактаб директори.

ТАДБИРЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

Яқинда «Бошланғич таълим» журналининг бир йиллик фаолияти ҳамда унинг сифатини янада яхшилаш мақсадида Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги ташкил этган биринчи республика анжумани бўлиб ўтди.

Анжуман Ўзбекистон халқ таълими вазирининг муовини Б. Ғ. Қодировнинг кириш сўзи билан очилди.

— Бугун, — деди Б. Ғ. Қодиров, — педагогик матбуот — «Бошланғич таълим» журналининг бир йиллик фаолияти ҳақида муштарийлар билан бевосита баҳс-мулоқот ўтказиш учун биринчи республика анжуманига тўпландик. Маълумки, 1992 йил январь ойидан бошлаб Халқ таълими вазирлигига қарашли «Бошланғич таълим» журнали фаолият кўрсата бошлади. Мана, бир йилдан ошдики, «Бошланғич таълим» журнали ўқитувчилар ишига илмий-амалий ва методик ёрдам бермоқда. Бугун ана шу журналнинг сифатини янада ошириш учун 28 рукн остида берилган материаллар ҳақида фикрлашиб олишга тўпландик.

Шундан сўнг, «Бошланғич таълим» журналининг фаолияти ва истиқболи ҳақида» бош муҳаррир, филология фанлари номзоди Ўтамурод Нурмуҳамедов маъруза қилди.

— Ҳаммаларингизга маълумки, — деди маърузачи, — бошланғич таълим ўқитувчиларининг журнали собиқ СССРнинг деярли барча республикаларида кўп йиллардан бери нашр қилиб келинарди. Журнал фақат бизнинг республикамизда нашр этилмасди. Ўқитувчиларимиз таълим рус тилидаги мактабларга мўлжалланган «Начальная школа» журналидан фойдаланишарди.

Қийинчиликлар бўлса-да, «Бошланғич таълим» журнали 1992 йилда қўш сон қилиб чиқарилиб турди. Биз 28 рукн остида турли мавзуларда ранг-баранг материаллар бериб бордик. Энди уларнинг сифати, амалий аҳамияти ҳақида ҳам сиз муштарийлар фикрини билишни истардик. Хуллас, миллий журналнинг йўқлиги, қийинчиликларни келтириб чиқараётганди. Эндиликда, журналимиз янги ташкил этилганлигига қарамай, ўзбек халқ педагогикаси материалларини кенг тарғиб қилишни режалаштирганмиз. Биз ана шундай долзарб мавзуларда сиз азиз муштарийлардан хат-хабарлар, жиддий масалалар кўтарилган мақолалар кутамиз...

Анжуманда муштарийлар сўз олиб, қизғин баҳс-мунозара бошланди. Биринчи бўлиб Фарғона вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи Турсунали Қурбонов сўзлади.

— Биз, — деди Т. Қурбонов, — «Бошланғич таълим» журналининг бир ёшга тўлиши билан унинг муштарийларини табриклаймиз. Бошланғич таълимсиз ҳеч қачон, муваффақиятга эришиб бўлмайди. Энди ўз она тилимиздаги журналимиз бор. Унда новатор ўқитувчиларимизнинг иш тажрибаларини ўқишни истаймиз. Андижонлик машҳур бошланғич синф ўқитувчиси Мамажон Абдурасулов ҳақида мақолалар, айрим рукнлари ташкил этилса.

— Мен, — деди Тошкент шаҳридаги 121-мактабдан Рисқи Юнусова, — 33 йилдан бери бошланғич синф ўқувчиларига таълим-тарбия бериб келаман. Зориқиб кутган ўз журналимизга эришдик. Бошланғич таълим бўйича муаммолар кўп. Янги дастурлар, дарсликлар ҳамон нашр этилмаётир. Методик қўлланмаларга муҳтожликни журналимиз эътиборга олиб, муҳим ёрдам бера бошлади. Биз журнал орқали республикамиздаги илғор бошланғич синф ўқитувчилари билан танишаяпмиз. Истагимиз шуки, тўрт йиллик таълим дастури лойиҳаси журналда эълон қилинса, режалаштиришлар икки-уч ой олдинроқ берилса. Имкон бўлса, мақолалар бир сонда тўлиқ берилса, ойнома методик характерда бўлгани учун шу масалаларга кўпроқ ўрин ажратилса.

Тошкент шаҳар Чилонзор туманидаги 200-мактаб илғор бошланғич синф ўқитувчиси Қаршигул Норқуловानинг сўзи бир неча бор қарсаклар билан бўлиниб турди. — Журнал саҳифалари, — деди Қ. Норқулова, — кўпроқ амалиётчиларга, кекса олимларга ҳам ўрин бериш керак, улар кўп янгиликлар бериши мумкин.

Хоразм вилояти Урганч туманидаги 23-мактаб бошланғич синф ўқитувчиси Олия Матёқубова: — Бу журнал бизга зарур эди, — деди. — Журналда математикага оид мақолалар кўпроқ бериб борилса.

Бухоро вилояти Ромитон туманидаги 11-мактаб ўқитувчиси Ғайбулла Абдуллаев «Маърифат» газетасидан шу анжуманнинг бўлиши ҳақидаги эълонни ўқиб, тўлқинланиб кетдим деди. Энди олийгоҳларни битираётган ёш ўқитувчиларга амалий ёрдам бериш имконияти пайдо бўлди. Биз унинг ҳар бир сонини орзиқиб кутамиз, мақолаларни муҳокама қиламиз, зарур тавсияларни ўз ишимизга татбиқ этамиз. Афсуски, журнал яна қўшма сон бўлиб чиқар экан. Бу бизга камлик қилади. Агарда ҳар ойда биттадан чиқадиган бўлса, биз ўқитувчилар бир кунлик иш ҳақимизни журнал фондига ўтказишга тайёрмиз. Бу фикрни сўзга чиққанларнинг барчаси қўллаб-қувватладилар.

Анжуманда Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси бошлиғи Ҳамидулла Йўлдошев, Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти Бошланғич таълим сектори мудири Қумри Абдуллаева, шу институт катта илмий ходими, педагогика фанлари номзоди Йўлдош Абдуллаев, Тошкент вилояти Чиноз туманидаги 5-мактабдан Меҳри Низомиддинова, Қашқадарё вилояти Чироқчи туманидаги 6-мактабдан Ўта Бердиёров, Тошкент шаҳридаги 110-мактабдан Турсуной Усмонова, Самарқанд давлат университети профессори Назар Ражабов, ҳажвчи-ёзувчи Олим Қўчқорбеков, Жиззах туман халқ таълими бўлими методика кабинети мудири Очил Раҳмонов, Абдулла Авлоний номли республика ўқитувчилар малакасини ошириш Марказий институти кафедра мудири Талъат Усмонхўжаев ва бошқалар сўз олиб, журнал сифатини янада кўтариш йўллари ҳақида қимматли фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Анжуман сўнгида республика Халқ таълими вазирлиги матбуот бўлими масъул ходими Сафар Барноев якунловчи нутқ сўзлади. Шунингдек, анжуманда журнал фаолиятини янада кучайтиришга доир муҳим тавсиялар қабул қилинди.

Б. ТУРДИЕВ.

ЎЛКАМИЗНИ ЎРГАНАМИЗ

Тошкент вилоятининг Қибрай тумани халқ таълими бўлимидагилар педагог Убайдулла Ғуломов номини фахр билан тилга олиб, ўзларининг устозлари, деб билишади. Бунинг боиси бор, албатта. Убайдулла ака ўттиз йилдан ошибдики, тумандаги Ғ. Ғулом номли 33-ўрта мактабни бошқариш билан, халқ фарзандига тарих фанидан сабоқ бериб келади. У ўзининг чуқур билимли, ахлоқ-одоблилиги билан ҳам педагогларга ўрнак бўлиб келмоқда.

Убайдулла ака дарс ўтадиган синфга кирсангиз, илмхонадаги ўзига хосликни, ҳақиқий тарих манзараларини эслайсиз. Синфда мустақил дарс ўтиш учун барча шароит, жумладан, техник воситалар, 2000 дан ортиқ тарқатма материаллар, фан бўйича илмий ва методик адабиётлар кенг ўрин олган. Шунингдек, ўқувчиларга мунтазам саболқ бериб борш учун ҳам анчагина ишлар қилинган. Чунончи, дарсга дефференциал ёндашиш, анъанавий ва ноанъанавий усуллар билан самарадорликка эришиш ҳам Убайдулла акаининг олдида турган бош мақсадлардан биридир.

Изланувчан педагогнинг узоқ йиллик меҳнати зое кетмаганлигини қуйидаги рақамларда кўриш мумкин. Ўттиз беш йил давомида шу мактабни битириб чиққан ўқувчиларнинг 44 нафари тарих фани мутахассислари бўлди. Улар орасида икки нафар фан номзоди, олий ўқув юрти ўқитувчилари, илмий текшириш институтининг ходимлари ҳам бор.

— Тарихни тўғри талқин этиш, ўқувчилар қалбига сингдириш биз педагогларнинг олдимизда турган асосий вазифамиздир, — дейди у. — Эндиликда дарслик билан чегараланиб қолмасдан ўлкамиз тарихи, маданиятини ўрганишга ҳам жиддий киришганмиз.

Ҳа, ташаббускор муаллим ҳам раҳбарликни, ҳам сабоқ беришни доимо узвий боғлаб олиб боради. У ўз ҳамкасбларининг ижодий изланишларига ҳам доимо раҳнамо. Айтмоқчи, Убайдулла ака бир неча методик тавсиялар, шу билан бирга Ўзбекистон тарихи фанида ўлкашунослик материалларини X—XI синфларда синов дарс услубида қўллаш ишнинг ҳам муаллифидир.

Сиз кўриб турган мана бу суратда ҳам Убайдулла ака иш устида акс эттирилган.

А. АКМАЛОВ тасвирга олган.

МУШТАРИЙ МУЛОҲАЗА ЮРИТАДИ

ФОРМА ЯРАТИШНИ ҚАЧОН ЎЙЛАЙМИЗ?

Ҳозир ўқувчиларнинг кўпчилиги мактабга «Адидас» ва «Монтана» формаларида келишмоқда. Хўш, нима бўлибди, ота-она топибди, кийинишсин-да, дерсиз. Лекин бозор иқтисодиёти шароитида ота-онага ҳам осон тутмаслигини ҳис қиласан киши. Чунки бозорда ва чакана савдода бу кийимларнинг нархи осмонда бўлса, рўзғорини базўр тебратиб турган ота-онага қийин бўляпти, холос. Бола эса болалигини қилади, оила ташвишлари билан ҳисоблашмайди, менга ҳам ўша формадан олиб берасиз, деб турib олса, кўринг, ота-онанинг ҳолини. Бир оилада 4—5 нафардан фарзанди ўқиётган бир пайтда ота-онага ҳам осон эмаслиги ҳаммага аён. Балки бу ўзига тўқ оилалар учун билинмас, лекин «беш қўл баравар эмас»лигини ҳам унутмаслик керак.

Баъзилар савдо дўконларида мактаб формаларининг йўқлиги ва сифатсизлигини рўкач қилишар, лекин бу тўғрида жиддийроқ мулоҳаза қилиш лозимга ўхшайди. Мустақилликка эришган, миллий мактаб тўғрисида сўз юритаётган бир пайтда оддий, ихчам ва арзон, миллийлигимиз уфуриб турган мактаб формаси яратиш тўғрисида ўйлаб кўриш пайти. эмасмикан?

Б. БОБОРАҲМАТОВ,
Чироқчи туманидаги 47-мактаб ўқитувчиси.

ИВИРСИГАН БЕКАТЛАР

Вокзалдаги бекатда троллейбус кутиб турардим. Бошқа рақамли бир троллейбус келиб тўхтади. Сўнгги бекат бўлганлиги учун ҳам йўловчиларнинг барчаси туша бошлашди. Тушганлар шошиб қўлларидаги паттасини тўғри келган томонга итқитиб ўз йўлларига кетишар эдилар. Башанг кийинган тўрт қиз писта пўчоғини шундоққина оёғим остига ирғитди. Елғизгина бир йигит қўлидаги паттасини ахлат қутисига ташлади.

Лоқайд, бепарво турардим. Осмон узилиб тушса ҳам менга алоқаси йўқдек. Шу лаҳзада мудроқ кўзларим ярқ этиб очилиб кетгандек туюлди. Беихтиёр ён-атрофимга қарадим. Бекат ниҳоятда ифлос, ивирсиб ётарди. Шунда эрталаб кўрганим — бекатни супуриб-сидириб юрган кекса, серажин чеҳрали фаррош холанинг қиёфаси кўз олдимда гавдаланди. Виждоним тилга киргинини, кўнглимга бир булут соя солганини, дилим ғаш бўлиб қолганини ҳис этдим.

Агар мен ҳам, сиз ҳам, у ҳам ҳамма-ҳаммамиз ана у йигит сингари ботиний маданиятли, зоҳирий масъулиятли бўлганимизда бекатларимиз саранжом-саришта, озода бўлиб турган, шунингдек, жонажон шаҳримиз — Тошкентнинг кўркига-кўрк қўшилган бўларди.

Шарофат ИСКАНДАР қизи.

ТЕСТ СИНОВЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

Ёзёвон тумани халқ таълими бўлимида ўқувчилар билимини тест услубида синаш мавзуига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда мактаб раҳбарлари, ўқитувчилар иштирок этдилар.

Йиғилишда келгусида ўқувчилардан барча фанлар бўйича имтиҳонларни тест асосида қабул қилиш, тест саволларини тўплам шаклида чоп этиш, дискетларга ёзиб олиш каби масалалар юзасидан фикр юритилди.

Н. ЧОРШАНБИЕВ.
Фарғона вилояти.

ЎТКИР ЗЕҲНЛИЛАР БАҲСИ

Китоб туманидаги 9-ўрта мактабда риёзиёт фани бўйича ҳафталик ўтказилди. Ҳафталик мобайнида синфлар ўртасида савол-жавоб кечалари ҳам уюштирилди. Айниқса, 6-«А» ва 6-«В» синфларнаро ўтказилган «Ўткир зеҳнлилар баҳси» иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Ҳафталикка ўқувчилар ва ўқитувчиларнинг умумий йиғилишида якун ясалди. Унда беллашув фаоллари ва уларнинг ўқитувчиларига қимматбаҳо совғалар берилди.

Шунингдек, ҳафталикнинг уюшқоқлик билан ўтишига жонкуярлик қилган шу илм масканининг синфдан ва мактабдан ташқари ишлар ташкилотчиси Юсуфжон Усмоновнинг хизматлари ҳам алоҳида таъкидланди.

О. НИЁЗОВ.
Қашқадарё вилояти.

ПУХТА ХОЗИРЛИК

Шу ўқув йилидан бошлаб Бўка туманидаги қатор мактабларда биология фани билан уйғунликда табиатни муҳофаза қилиш дарсларини ўқитиш йўлга қўйилган эди. Эндиликда у ўзининг ижобий самарасини бераяпти.

Ҳамал ойининг ўрталарида туманда ушбу фан юзасидан «Экологик муҳит ва инсонлар тақдири» мавзуида кўрик ўтказиш тадбирлари белгиланаётир. Ҳомийликни Бўка пахта тозалаш заводи жамоаси ўз зиммасига олган. Шунингдек, фахрли ўринни эгаллаганларга алоҳида мукофотлар ҳам тайёрлашган.

М. ХОЛИҚОВА.
Тошкент вилояти.

МАКТАБДА ЛИМОНАРИЙ

Косонсой шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли Бобур номли мактабдаги қишда ҳосил етиштириш учун мўлжалланган махсус жойда шу йил ҳосилга кирадиган сара лимон кўчатлари ўтказилди. Ҳозир ниҳоллар тўлиқ гулга кирди.

Тажрибали лимончилар кўчатларнинг ҳаммаси ҳосил беради, деб ишонч билдиришмоқда. Келгусида мактабда лимончиликни яна 2—3 баравар кўпайтириш мўлжалланяпти.

П. БУХОРОВ.
Косонсой шаҳри.

ҲАММА ОЛИМ БЎЛСА...

Осмонда шовқин солиб учаётган самолётни кўриб ёки остидан қарасанг, кўзни куйдиргудек оловла фазога кўтарилаётган космик кемага қараб ҳайратланганмисиз? Шунча юк билан улар ердан узилиб қандай бемалол учиб юрибдийкин, дея ўз-ўзингизга савол берганмисиз? Бу каби ўз вақтининг ғайриоддий ҳодисалари бўлган кашфиётларга сўнгги йилларда оддийгина «самолёт бўлгандан кейин учади-да» қабилида муносабат юзага келиб қолгандек. Гўёки бу соҳалардаги тадқиқотлар ўз ниҳоясига етгану, нарёғига йўл йўқдек. Мисолни улкан кашфиётлардан келтиришимнинг боиси ҳам шуки, биз ҳозир ҳайратланишни унутдик. Зеро, илк самолётни яратганлар ҳам қушлар парвозидан ҳайратланишган. Беписандликни ёки бепарволикни бунга сабаб деб кўрсатса бўлар балким, бироқ бу каби яратувчилик ишлари биз учун бегона, бизга йўл бўлсин улар олдида, қабилидаги кайфият хавотирга солади кишини. Мактабларда шу пайтгача аниқ фанларга бўлган қизиқишнинг камайиб кетишига ҳам сабаб ўша кайфият деб биламан. Ҳайриятки, эрки ўз қўлига теккан республикамизда илм-фан соҳасида қилинаётган талайгина ишлар келгусида ўзбекнинг ўз фани тараққиётининг ёрқин истиқболига умидлантиради.

Самарқанд вилоятининг Нуробод туманидаги 1-ўрта мактабнинг физика фани муаллими Саъдулла Полвонов билан бўлган мусоҳабамиз мавзуси ҳам айнан фан-техника тараққиёти ва унга мактабнинг қўшадиган ҳиссаси хусусида бўлди.

— Келинг, суҳбатимизни физика фани вазифаси ҳақида бошлай қолайлик.

— Бу фаннинг мақсад ва вазифалари хусусида одатдагидек таърифу тавсифларга таяниб эмас, балки оддий сўзлар орқали гапиришни маъқул деб биламан. Юқорида сиз теварак-атрофимиздаги воқеа ва ҳодисаларга бепарво бўлиб қолганлигимизни тилга олдингиз. Албатта, бунга асосий сабаб, ўша ҳодиса моҳиятига етишнинг болалар учун мушкул ишдек туюлиши. Аслини олганда ҳам бу юмуш анча уринишни талаб қилади. Худди ўша йўл сари болакайни етаклаш, унга ўзига хос ҳам илмий, ҳам содда тарзда етказиш физика фани елкасидаги юк. Бунга нега осмондан қору ёмғир ёғишидан то энг мураккаб ҳисобланган физик ҳодисиётлар киради.

Физикани мактабда ўтишдан мақсад, яна бир нарсани ойдинлаштириш керакки, ўқувчида гўёки бу соҳада қилиниши керак бўлган барча тадқиқоту кашфиётларнинг қилиниб бўлганлигини эмас, балки унинг ҳали ўз ечимини топмаган қанчадан-қанча номаълум қирралари борлигини аён этиш. Бу эса ўз ўрнида ёшларни ижодкорликка ўргатади.

— Иккинчи саволга сўнгги сўзларингизни асос қилиб олсак-да, ҳозир ўқувчиларнинг айнан физика фанига бўлган қизиқишлари хусусида тўхталсангиз. Мана ўн етти йилдан бери шу фандан сабоқ бераркансиз, менимча, илгариги ёшлар билан ҳозиргиларини қиёсий тарзда таърифлаганингиз маъқул.

— Ҳали-ҳануз мен ўзим мактабда таълим олган вақтларимни, сўнгра институтни тугатиб, мактабга келган онларимни энтикиб ёдга оламан. Ўша онларда ҳозирда бутунлай нотўғри деб топилган ғоя ҳукмрон бўлса-да, ўқувчилардаги илмга бўлган иштиёқ, талпиниш бошқача эди. «2» баҳо олишдан шунчалик орланардикки, ҳатто энг яқин дўстингга ҳам тик боқишга ийманардинг. Сўнгги йилларда шунгача етдики, аълочи ўқувчиларни мазах қилиш устун даражага чиққанди. Менимча, ўз ўзанимизга тушганлигимиздан буён бу каби иллатлар анча камайди. Ўқувчиларим мисолида айтадиган бўлсам, ҳаммаси демасам-да, керагича физика фанига қизиқадиганлар бор.

Боладаги бу фанга бўлган қизиқишни сўндирадиган яна бир томони бор. У ҳам бўлса дарсликнинг ўта илмий тарзда ҳамда мураккаб мавзулардан тузилганлигидир. Олимларимиз, гўёки ўзларидаги бу соҳага оид билимлар мажмуини эндигина ўрганишни бошлаган болада ҳам бор, деган тушунча билан дарслик яратгандек. Қолаверса, ҳанузгача биз Московдан чиққан дарсликнинг ўгирмаси асосида дарс бераётирмиз. Бу ерда ҳудудий ўзига хосликни ҳам ҳисобга олиш лозим. Тан олиш керакки, ўрис болалари билан ўзбек болаларининг дунёқарашида сезиларли тафовут бор. Бу сунъий тарзда юзага келтирилган бир ҳол, деб баҳоланмоқда. Балким, тўғридир. Негаки, бизда ёшларга мўлжалланган фан-техникага оид кичик-кичик китобчалар чиқмайди ҳисоби, борлари ҳам бошқа тиллардан таржима қилинган. Нима бўлган тақдирда ҳам бундан буёғига шу каби ишларни йўлга қўймас эканмиз, боланинг аниқ фанларга бўлган қизиқишини керакли поғонага чиқара олмаймиз.

70-йиллардаги физика дарслиги тилининг соддалиги ва мавзуларнинг тоши енгиллиги билан ажралиб турарди. Ҳозирги дарсликдаги Векторлар тушунчасини (9-синф) янада соддароқ қилиб тушунтиришни ёки бўлмаса мактаб дарслигидан чиқариб ташланиши тўғри бўларди, менимча. Бу зинҳор оғирнинг устидан, енгилнинг остидан деган тушунчани бермаслиги керак. Негаки, ҳадеб ҳазм қилиш оғир бўлган мавзуни бола миясига тиқиштиравериш ҳам бефойда.

— Саъдулла ака, қўпинча ўқитувчилар ҳақида гап кетганда унинг дарс ўтиш услубига урғу берилади.

— Фикрингизни пайқадим. Менимча, ҳеч бир педагог аниқ бир услубни кўрсатиб, буни фақат мен яратганман деёлмаса керак. Ҳар бир тажриба, услуб оммавийликка эга. Қолаверса, бир синф ўқувчилари орасида маълум бир услубдан фойда оладигани ҳамда зиён кўрадигани ҳам бўлади. Сўнгги йилларда кўп такрорланаётган алоҳида ёндашиш (индивидуал) ҳам шуни назарда тутган. Мен ҳам сабоқ беришда семинар синов, перфокарталар билан ишлаш, дастурлаштирилган топшириқлар, яъни тест саволларига асосланиб дарс ўтаман. Ҳеч бир услубни доимий қўллаб бўлмайди. Шунинг учун қаерда, қачон, қайси синфга қайси усулни қўллаш мумкинлигини билиш ҳам керак.

Ўзингизга маълум, айни кунларда биз бозор иқтисодиётига тобора кўникиб бораётган бир пайт. Шуни эътиборга олиб, «Аукцион дарс» деб номланган дарс ўтказдим. Бу услубдан ўтилган мавзуни такрорлаш ёки умумлаштиришда фойдаланилади. Ўйин — дарс қоидасига кўра, физика тўгараги қатнашчилари ўзига хос аукцион ташкил этишади. Ҳақиқий аукционда нарсани пулга олишса, бу ерда эса уларга билими орқали эга бўлишади. Сотувга қўйилган нарсалар ҳам — сув томизғич автомат, шприц, авторучка, термометр, клей, чизғич, мензурка чойнак, газ солинган балонча каби физикага алоқадор нарсалардан иборат.

Савдо бошланишидан олдин мен мавзуга оид саволлар билан ўқувчиларни таништираман. Сўнгра махсус стрелкали айланувчи қурилма ёрдамида сотиладиган мол аниқланади. Даъвогарлар навбатма-навбат юқорида берилган саволларга жавоб беришади. Кимдаким ўша саволларга ва сотилиши керак бўлган буюмнинг физикага боғлиқ томонлари хусусида батафсил маълумот берса, ютуқ ўшаники. Аксинча, буюм аукцион сотувчисига қолади.

— Саъдулла ака, суҳбатимиз сўнгида, умуман, таълим тизими хусусида бир оз фикрлашсак. «Совет мактаблари» бир шиор асосида, яъни «барчани бир текис олим қилиш»ни ўз олдига мақсад қилиб иш юритарди. Буни энг юксак маррани кўзлаш дейлик-да, жамиятга назар ташлайлик. Унда турли савиядаги, дунёқарашдаги кишилар мавжуд. Табийки, уларни бир қолипдан чиққандек илмли қилиш даргумон. Шундан ўрта таълим вазифаси улар орасидан илмга лаёқатлиларини танлаб олиш, лаёқатсизларини эса умумий саводини чиқариб, маълум бир ҳунарга йўналтириш бўлиши керак. Халқ ичида «Ҳамма олим бўлса, подани ким боқади», деган гаплар ҳам юради, шундай эмасми?

— Гапингиз тўғри, илгарилари умумий баҳо чиқаришдан олдин юқоридан ҳеч бир ўқувчига «2» баҳо қўймаслигимизни, синфдан-синфга бирорта ҳам болани қолдирмаслигимизни буйруқ тарзда айтишарди. Маъбодо ўша буйруққа қарши иш тутсангиз, касбингиз билан хайрлашаверинг эди. Шу боис ўқувчи ўқишга лаёқатлими, йўқми у ўрта маълумотли, деган аттестатга эга бўлиши керак эди. Пахта режасига ўхшаб, бу борада ҳам сон сифатдан юқори турар эди. Кейинги пайтларда мажбурий таълимнинг тўққиз йилга тушириліши ҳам шу каби номаъқулгарчиликларга барҳам бериш ниятида қилинган тўғри ишдир.

— Мусоҳаба учун ташаккур!..

Абдусамат РАҲИМ
суҳбатлашди.

УҚИТУВЧИЛАР СУЛОЛАСИ ҲАҚИДА ҲИКОЯЛАР

ЗИЁКОРЛИК УЧУН ТУҒИЛГАН ИНСОН

Инсон табиатан бир-бирига ўхшамайди. Том маънодаги, улуғ мақсадли шундай фидойи зотлар борки, улар бир умр орзу-умидлари йўлида курашади, яхши ном қолдиришга, элга хизмат қилишга интилади. Чиноръсифат бундай одамлар билан ҳар қанча фахр-ифтихор қилиш завқ-шавқ бағишлайди кишига.

Самарқанд вилояти Паст Дарғом туманидаги «Ленинобод» жамоа хўжалигининг «Беш найман» қишлоғида замондошлари учун ибрат бўладиган бир педагог онласи бор. Ушбу хонадон соҳиби Ҳаким ака Сандовнинг ўқувчилик, талабалик йиллари Улуғ Ватан уруши ва ундан сўнгги энг оғир пайтларга тўғри келди. Ўз эътиқоди, танлаган касбига эришиш йўлидаги барча ғов-тўсиқлар, моддий-маънавий қийинчиликларни мардона енга олган метин иродали кишигина чинакам бахтиёр бўлишга ҳақлидир.

Тиришқоқ, билимга ташна Ҳаким Сандов 1947 йилда Алишер Навоий номли Самарқанд давлат дорилфунунни кундузги бўлим ўзбек филологияси факультетини имтиёзли диплом билан муваффақиятли битиргач, ўзи туғилган Дарғом воҳасида ишлаш учун йўлланма олди.

Олий маълумотли ёш муаллим қишлоқдош ўқувчи-ёшларни ўқитишга чоғланиб, ғайрат камарини маҳкам боғлади. У дастлабки педагоглик фаолиятини Юсуф Авазов номли 33-ўрта мактабда бошлаб, ўтган 45 йил давомида Паст Дарғом туманидаги 2, 31, 48-ўрта мактаб ўғил-қизларига ўзбек тили ва адабиёти фанидан пухта билим берди, қирқ йил мактаб директори бўлиб ишлади.

Ўзининг ярим асрлик зиёкорлик фаолияти учун Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси нишони, «Меҳнатда ўрнак кўрсатгани учун», «Меҳнат фахрийси» медаллари ҳамда ўндан ортиқ мақтов ва фахрий ёрлиқлар билан тақдирланган Ҳаким ака Сандов садоқатли умр йўлдоши Эргашой опа билан аҳилу иноқ турмуш қуриб, ҳаёт қувонч-ташвишларини баҳам кўриб, муаллимлик маоши — нонига қаноат қилиб, яхши кунларнинг келишини сабрсизлик билан кутишдан чарчамади.

Ҳаким бобо Сандов ва Эргашой момо Сандова тўрт ўғил, уч қизнинг меҳрибон ота-онаси, ўттизга яқин невараларнинг севимли бобо-бувиси бўлиш билан бирга ҳамма ҳавас қиладиган педагоглар сулоласига асос солдилар. Ана шу онлада камол топган Муҳиддин Сандов — Самарқанддаги вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш институти математика кабинетининг мудири, Қурбон Сандов — Паст Дарғом туман халқ таълими бўлими қошидаги илғор тажрибаларни оммалаштириш методика кабинети мудирининг ўринбосари бўлиб ишлаяпти.

Педагоглар сулоласининг давомчилари бўлган Шоира, Шоҳиста Сандова ҳамда Сабоҳат Абдуллаева, Шаҳринисо Мардонова сингари қиз-келинлар туманимиздаги 2, 27-ўрта мактаб ўқувчи-ёшларига бошланғич таълим ва математика фанларидан сабоқ беришяпти. Ота, ака-опа, янгалар изидан дадил бораётган севикли келин Насиба Насимова — болалар боғчасининг тарбиячиси, Орифжон, Абдуҳолиқ, Феруза каби ўғил-қизлар қурувчи-муҳандис, чеварлик бўйича элу юрт хизматига ҳамиша шай, камарбаста бўлиб келяпти.

Онлавий педагоглар сафини тўлдириш, ибратли анъанани давом эттириш ниятида бўлган қанчадан-қанча невараларнинг жумҳуриятимиздаги педагогика олийгоҳларида ўқишаяпти, ўрта мактабни битириши билан ўқитувчилик касбини ўргатадиган олий ва ўрта махсус ўқув юртларида ўқишни кўнгилларига тугиб юрибдилар...

Н. ЭШҚУВВАТОВ,
Самарқанд вилояти Паст Дарғом тумани.

ҲУНАР ЎРГАНИШМОҚДА

Қарши туманидаги «Шаҳло» ўсмирлар клуби ташаббуси билан ўрта мактаблар ҳузурида тўқувчилик, зардўзлик сингари тўрт ойлик тўгараклар ташкил этилди. Айни кунда Суворов номли ўрта мактабда тўқувчилик, К. Маркс, Қ. Ниёзий, Калинин номли ўрта мактабларда эса зардўзлик тўгараклари фаолият кўрсатмоқда.

Тўгарак раҳбарлари — тажрибали ўқитувчилар Дурдона Ризвонова, Нодира Норова, Муҳаббат Эшонқуловалар ўқувчи-ёшларга ҳунар сирларини ўргатяптилар. Тўгаракларга 150 нафар ўқувчи қатнашмоқда. Ёшлар тўқиган ва тиккан буюмлари харидоргир бўлишига астойдил ҳаракат қилишмоқда.

Ҳ. НАЗАРОВ.
Қашқадарё вилояти.

ДАВРА БАҲСИ

Термиз қишлоқ хўжалиги техникумида бозор иқтисодиёти масалаларига боғлиқ бўлган давра баҳси бўлиб ўтди. Бу баҳсда ҳисобчилик, иқтисод бўлимларининг бошланғич курслари талабалари асосан шу мавзу асосида куч синашдилар.

Кечани техникумнинг тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосари Жума Ҳамидов кириш сўзи билан очди. Шундан кейин икки бўлим талабалари ўртасидаги баҳс бошланиб кетди. Кеча мустақилликка эришган она-Ватанимиз — Ўзбекистон ҳақида, унинг янги қабул қилинган Конституцияси, бозор иқтисодиётига боғлиқ бўлган қизиқарли савол-жавобларга, дилрабо ашула ва рақсларга ҳамда турли саҳна чиқишлари — интермедия ва қизиқарли ҳангомаларга бой бўлди.

Ҳакамлар ҳайъати узоқ давом этган бу баҳсда ҳисобчилик бўлими талабаларини ғолиб деб топдилар. Фаол иштирок этганлардан бир неча нафари техникум Ёшлар Иттифоқи қўмитасининг «Фахрий ёрлиқ»лари билан тақдирланди.

Ш. ТУРОПОВ.

АМАЛИЁТ ОЛДИДАН

Яқинда Тошкент давлат педагогика билимгоҳининг мажлислар залида битирувчи курсларнинг дипломолди амалиётига чиқиш муносабати билан йиғилиш бўлиб ўтди. Уни амалиёт ишлари бўйича директор ўринбосари Эргаш Каримов олиб борди. Мажлисда IV курс талабалари ва гуруҳларнинг амалиёт бўйича раҳбарлари иштирок этди.

Йиғилиш сўнгида ўқитувчи Жамила Мирзақулова талабаларни ўқитувчилик фаолияти остонасига қадам қўйишлари билан чин юракдан табриклади.

Мўҳбиримиз.

Маърифий сабоқлар

АМИР ТЕМУР ИЛМГОҲЛАР ҚУРГАНМИ?

Ўрта Осиёда жуда қадим замонлардан бошлаб фарзандларни ўқитиш ва уларга савод бериш одоби бўлган. Масалан, «Авесто» таълимотига биноан фарзанд улғайгач, уни ота-онаси албатта мактабга ўқишга бериши шарт бўлган. Отанинг фарзандига савод бериши унинг учун ҳам фарз, ҳам қарзлиги ҳақидаги тушунча Қуръони Карим ва ҳадисларда ҳам неча бор эслатиб ўтилган.

Муғ тоғи қалъаси, Марв, Ниса ва Тупроққалъа шаҳристонларидан топилган қадимий ҳужжатлар Ўрта Осиёда саводхонлик азалдан яхши йўлга қўйилганлигидан дарак беради.

Панжакент ва Афросиёб қалъаларидан топилган суғд тилидаги алифбо ва хат машқлари тасвирланган кулол идиш синиқлари ҳам Мовароуннаҳрдаги қадимий мактаб таълими ёдгорликларидан биридир.

А. Қалмиқов ва В. Бертольдлар Ўрта Осиёда мусулмон мадрасалари шакллангунга қадар илм-маърифат таълими асосан будда ибодатхоналарида амалга оширилганлигини алоҳида таъкидлашган.

Мовароуннаҳрда мусулмон мадрасалари IX—XI асрлар, яъни Сомонийлар ва Қорахонийлар даврида қурила бошланган эди. В. В. Бертольд тадқиқотларидан бирида мадрасанинг илк ватанини Балхга ёндош бўлган Амударёнинг ҳар иккала соҳилида жойлашган юртлар, деб кўрсатади.

Демак, мадраса алоҳида бино сифатида ҳозирги Ўрта Осиё ҳудудидаги йирик шаҳарларда илк бор шакллана бошлаган. Муҳаммад Наршахийнинг фикрича, Мовароуннаҳрдаги биринчи мадраса Бухорода 937/38 йилда рўй берган ёнғиндан талафот кўрган Фаржек мадрасасидир. Бундан ташқари ўша даврда Бухорода алоҳида илмий мактаб ҳам мавжуд бўлган.

Манбаларга қараганда, ўша даврда Самарқанд ҳам Мовароуннаҳрдаги фан ва таълим марказларидан бири бўлган. Айниқса Сомонийлар даврида Самарқандда 17 мадраса қурилган бўлиб, уларда ислом дини ва таълимотидан ташқари дунёвий фанлар ҳам ўқитилган. Мадрасаларда дарс берган таниқли олимлардан Абдулқосим Ҳаким Самарқандий, Абумансур Муҳаммад Мотуруди Самарқандий, Абдулфатҳ Саид Самарқандий, Абулайс Самарқандий, Асириддин Фазл Самарқандий, Ашраф ибн Муҳаммад Самарқандий ва бошқаларни кўрсатиш мумкин.

Самарқандда IX—X асрларда ниҳоятда кўп миқдорда сопол ва шиша сиёҳдонлар тайёрланганлиги ҳам бу даврда шаҳар аҳлининг юксак даражада саводхон бўлганлигидан далолатдир.

XI аср ўрталарида Самарқанднинг Қорахонийлар давридаги ҳокими Иброҳим Тимғачхон Бўғрохон ажойиб бир мадраса бунёд эттирди. Мадрасани қуриш тафсилотлари ҳақидаги вақфномага кўра, бу даврга келиб Мовароуннаҳрда мадрасага мўлжалланган алоҳида бино қуриш тартиботи меъморий жиҳатдан асосан шаклланган бўлиб, мадраса биносида мачит, дунёвий илмлар ўрганиладиган дарсхоналар, Қуръон ўқиладиган хона-мактаба, «адаб» ўрганиладиган хона-мажлис, ётоқхоналар-ҳужра, ички ҳовли ва мўъжаз боғ-бўстон бўлишлиги тарихий манбалардан маълум.

IX—XII асрларда Ўрта Осиёда Муҳаммад ибн Мусо Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абунаср Форобий, Абдулқосим Фирдавсий, Абулайс Самарқандий, Абурайҳон Беруний, Абу Наср ибн Ироқ Мансур, Ибн Сино каби бир қатор дунёвий олимлар етишиб чиққанлиги ҳам ўша даврларда Мовароуннаҳрда илм-маърифат ва маданиятнинг яхши ривожланганлигини, мадрасалар, маданий-маърифий бинолар қуриш, «Байтул-ҳикмат», «Маъмун академияси» каби илм марказлари ташкил этиш анъана тусига кириб қолганлигини кўрсатади. Лекин илм-маърифат соҳасидаги бундай анъаналар Чингизийлар даврига келиб тамоман тўхтаб қолган эди. 150 йилга яқин вақт ичида Мовароуннаҳрда жаҳолат ва разолат ҳукм сурди.

Фақат Амир Темур даврига келиб, мамлакатда осойишталик ва тарихий-маърифат, урф-одатлар қайта ривож топа бошлади. Чунки Темур мамлакатда нафақат ижтимоий-моддий тараққиётнинг, балки фан ва маданиятнинг ҳам жонкуяр ҳомийси бўлиб майдонга чиқди. У ўзининг Самарқанддаги саройига илму фаннинг турли соҳалари бўйича иқтидорли олимлар ва шоирларни жалб қилган. Темурнинг ўзида ҳам илмга иштиёқ зўр бўлиб, айниқса у тарихни яхши билар, меъморчилик, фалсафа, табобат ва астрономияга қизиқар, шеъриятни ёқтирарди.

Шуни айтиш керакки, Темур билим олишни етти ёшга тўлмасданоқ бошлади. Етти ёшда уни отаси мадрасага олиб борганда у сўзлар жадвалини бемалол ўқий олган. Темур Самарқанд аркидаги Кўксаройда улкан кутубхона ташкил этиб, унда фақат шарқ тилидагина эмас, балки грек, лотин, арман ва гуржи тилларида битилган нодир илмий ва диний асарларни тўплаган эди.

Амир Темурнинг илм-маърифатга нисбатан эътиборини яна шунда ҳам кўриш мумкинки, у ўзининг «Тузуклари»да «Мусулмонларга диний маслалардан таълим бериб, шариат ақидалари ва ислом дини илмлари: тафсир (Қуръони каримни изоҳлаш, шарҳлаш), ҳадис, фиқҳдан дарс берсинлар деб, ҳар бир шаҳарга олимлар ва мударрислар тайин қилдим», деб ёзади. Демак, ўша даврда Мовароуннаҳр шаҳарларида камида биттадан мадраса ва мударрисларнинг мусулмонларга таълим беришлари учун мактаблар мавжуд бўлган. Лекин Самарқанд, Шаҳрисабз, Ҳирот шаҳридаги мадрасалар, айниқса, энг нуфузли мадрасалар ҳисобланган. Дарҳақиқат, Амир Темур замонасида Нишопур, Шероз, Боғдод, Марв, Хоразмдан Самарқандга жалб қилинган уламо ва мударрислар Самарқанд, Шаҳрисабз ва Ҳирот мадрасаларида илгаригидан ҳам ортиқ маош ва иш ҳақи олиб мударрислик қилганлар.

Темур «Тузуклари»да «...катта-кичик ҳар бир шаҳар, ҳар бир қишлоқда масжид, мадраса ва хонақоҳлар қуриш ҳақида ҳам алоҳида амр этган эди. Бундай тартиб-қоидаларга, энг аввало, Темурнинг ўзи риоя қилган, айни пайтда ва кейинчалик уларни соҳибқиронинг ўғил ва неваралари, темурийлар ва яқин аъёнлари давом эттирганлар.

Темурнинг шахсан ўзи бир неча мадрасалар қуришга ҳам ҳомийлик қилган. Масалан, Самарқандда Бибиҳоним мадрасаси, невараси Муҳаммад Султон мадрасаси ва хонақоҳ қурдирган. Бу мадрасаларни қуришга Темурнинг суюкли хотини Сароймулкхоним ва 24 ёшли невараси шаҳзода Муҳаммад Султон учун барпо қилинган бўлиб, маблағни ҳам Амир Темурнинг ўзи хазинасидан ажратганди. Шунингдек, Темур Шаҳрисабзда ҳам фозилу уламоларнинг ёш авлодга дарс беришлари учун яхши шароитлар яратиб берган. Айниқса, «Дорут-тиловат» шундай илм масканларидан бири эди. Албатта, дастлаб бу жойда диний илмлар ва адаб ўрганилган, лекин ушбу маскан аслида катта саҳнли мадраса бўлган. Шаҳрисабзнинг Темур даврида «Қуббатул илм вал адаб» яъни «Адаб илмининг гумбази» деб ном олиши ҳам бежиз эмас.

Темур даврида Самарқанд ва Шаҳрисабз мусулмон дунёсининг илм ва маърифат марказларига айланган эди.

Яссидаги Темур қурдирган Ҳожа Аҳмад мақбараси ҳам масжид ва мадраса вазифасини бажарганлиги ҳақиқат. Мажмуада бунинг учун алоҳида хонапар ва кўп томлик кутубхона ҳам ташкил этилганди. Мажмуанинг Ҳожа Аҳмад Яссавий мақбараси деб номланиши унинг таркибида мадраса хизмати мавжудлигини айрим тарихчилар яшириб келишди. Аслида ушбу мақбара мажмуаси ҳам ўз даврининг илм-маърифат масканларидан бири эди. Мажмуанинг бугунги кунда ҳам Туркистон мусулмонларининг масжид мадрасаси сифатида фойдаланиб келинаётганлиги фикримизнинг далилидир. Ундаги кутубхона ҳозир ҳам мавжуд.

Темурнинг ўғли Шоҳрух ҳам Ҳиротда 1410/11-йилларда ўз салтанатининг юксак мадраса ва хонақоҳ мажмуасини бунёд эттирган. Мадраса ва хонақоҳ пештоқлари бир-бирига муқобил бўлиб, Самарқанддаги Темурнинг жоме масжиди ва унинг муқобилидаги Бибиҳоним мадрасалари тарзида жойлашган.

«Темур «Тузуклари»да мадраса ва хонақоҳлардан ташқари шаҳарларда касаллар учун шифохона қуриш, уларда ишлаш учун табиблар тайинлаш ҳақида ҳам амр этилган. Лекин Темурнинг шифохона қурганлиги ҳақида манбаларда маълумотлар йўқ. Аммо Темур даврида уламолардан бўлмиш Мир Саййид Шариф Журжоний (1330—1414), аввал Шерозда мударрислик қилиб, 1387 йилдан Амир Темурнинг таклифи билан Самарқандга келгани ва бу ердаги дорул-шифода ўз фаолиятини давом эттиргани ҳақида маълумотлар мавжуд. Бу ҳақда шарқшунос аллома Бўрибой Аҳмедов 1991 йили чиққан «Темур тузуклари» асарининг 58 саҳифасида маълумот берилган. Бизга Темур даврида Самарқандда дорул-шифо фаолият кўрсатганлиги номаълум эди. Аммо XI аср вақфномасининг гувоҳлик беришича, 1046—1068-йиллар Самарқанддда ҳокимлик қилган Иброҳим Тимғочхон 1066 йилнинг ўрталарида шаҳарнинг Ривдод кўчасидаги даҳада шифохона (дорулшафақа) жорий этади. Шифохона касалларни даволашдан ташқари ёш талабаларни табобат илмига ўқитиш учун ҳам мўлжалланган, уни мўғиллар истилоси даврида вайрон этилган деган фикр мавжуд эди. Борди-ю, у Темур даврigача бузилмай ёки таъмир этилиб келинган бўлса, Мир Саййид Шариф Журжоний бу дорул-шифода мударрислик қилган бўлиб чиқади. Кўриб турибмизки, Темур даврида нафақат мадрасаларда, балки дорулшифода ҳам мударрислар фаолият кўрсатиб, табобат илмини ривожлантирганлар.

«Темур тузуклари»га амал қилиб касаллар учун шифохоналар қурган темурийлар ҳақида гапирадиган бўлсак, унда Хуросон ҳукмдори Султон Абу Саиднинг (1459—1469) катта хотини Милкат оғани (у киши Ҳирот шаҳри ичига Дорулшифо қуради) ҳамда Шоҳрух Мирзонинг набираси Мирзо Алоуддавлани (у ҳам Ҳиротда шифохона қурган) кўрсатиб ўтиш мумкин.

Хуллас, Амир Темурнинг нафақат диний илмлар, балки дунёвий илмлар ҳамда табобат илмини ривож топтиришда ҳам хизматлари катта бўлган эди.

Бу фикрларни баён қилишимиздан мақсад шуки, халқимиз орасида, ҳатто олимларимиз ўртасида ҳам кейинги йилларга қадар Амир Темурни шаҳона сарой ва кўшклар, боғ, истеҳкомлар ҳамда руҳонийлар маслаҳатига биноан фақат масжидлар ва мақбаралар қурган, деган тушунча мавжуд бўлиб, улуғ бобомизнинг маданий-маърифий бинолларга, айниқса, мадраса ва илмгоҳлар қурилишига ҳеч қандай алоқаси йўқ деган нотўғри фикрлар онгимизга сингдирилган эди. Темур ва темурийлар даврида илм-маърифат фақат Улуғбек давридан бошлаб ривож топган, деб тушунтирилар эди. Юқорида келтирилган маълумотлардан аён бўладики, бобомиз Амир Темур ва унинг ўғли Шоҳрух Мирзо Улуғбекка қадар ҳам ўз салтанатларида илм-маърифатни жорий қилиш, илмгоҳлар қуриш бобида намунали саъй-ҳаракатлар қилганликлари тарихий ҳақиқатдир.

А. ЎРОЛОВ,
Самарқанд давлат меъморчилик-қурилиш институтининг ўқитувчиси.

Нафосат бўстони

ГЎЗАЛЛИК ЖОЗИБАСИ

Табиат мўъжизалари бехисоб. Унинг гўзалликларига маҳлиё бўлиб, қайси қудрат яратди экан, деб таажжубда қоласан киши. Биргина товус патидаги турфа ранглар, ҳатто рассом томонидан ҳам ўз сайқалини тополмайди, деб ўйлайсан. Булбул сайрашига бир эътибор беринг. Инсон ҳар қанча уринмасин, унинг жозибадор хонишини ўрнига қўя олмайди.

Инсон гўзалликсиз яшай олмайди. Гўзаллик олами шундай бир оҳанрабоки, унга япроқларнинг шитирлаши ҳам, сайроқи қушларнинг хониши ҳам, дарёларнинг эпкини ҳам, момақалдироқлар гулдираги ҳам мусиқавийлик касб этиб, кишининг қулфи дилини очади. Рассом мўйқаламидаги мўъжизалар, шеър тароналаридаги оҳанглар, раққоса ижросидаги мақомлар худди ана шу гўзаллик сарчашмаларида туғилади. Шу боис ибтидоий жамоа одамлари ўша даврдаёқ ўйин-кулгиларида илк санъат намуналарини намойиш қилганлари бежиз эмас

Гўзаллик кенг қамровли тушунча бўлиб, унинг қирралари кўп. Бола дунёга келган куниданоқ она уни оқ ювиб-оқ тарайди, бежирим кийинтиради, бағрига босиб эркалайди, бахтини куйлаб аллалайди. Унга гўзалликдан баҳра олиш муҳаббатини сингдиради. Бола оёққа турдими, табиат қучоғига интилади. Майсазорда ўйнашни, тоғ бағрида куйлашни, тол навдасини тойча қилиб миниб завқланишни ёқтиради.

Одамзод атрофидаги гўзалликка — ўрмону қир-адирлар, тоғ бағридан оқиб тушаётган жилғалар, дарёлар, осмондаги саноқсиз юлдузлар, ой-қуёшга мафтун бўлиб яшайди. Ёшликда унинг вужудига сингган бу туйғулар умр бўйи ҳамроҳ бўлиб, унинг кўнглини юмшатади, меҳр-шафқатга ундайди.

«Дунёни гўзаллик асраб қолади» деган нақл бежиз айтилмаган. Санъатнинг ўзи бир олам гўзаллик. Театр эса унинг бир бўлаги бўлиб, қадимий санъатлардан бири ҳисобланади. Тарихий манбаларга қараганда, унинг тарихи уч минг йиллардан нарига боради. Эрамизда театр куртаклари — дор тагидаги масхарабозликлару қўғирчоқ ўйинларидан бошланган. Демократ шоиримиз Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фурқат 1890 йил 5 октябрь куни Тошкентда бир театр спектаклини кўриб, таажжубланганидан қуйидаги мисраларни битади:

Театр базмини обод қилғил,
Томоша аҳли кўнглин
шод қилғил.

Театр санъатининг инсон ҳаётида тутган ўрнини изоҳлаб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак. Инқилобдан олдин ҳам халқ театрлари, қўғирчоқ театрлари фаолият кўрсатган. Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий пьесалар ёзиб, мусиқалар яратганини кўпчилик билади.

Тошкентимизда биринчи театр режиссёрларидан Маннон Мажидович Уйғурнинг хайрли ишларидан хориждан келганлар ҳам ҳайратланганларини кўрганмиз. Биргина мисол. 1945 йилда Англия давлатининг парламент аъзоларидан бир гуруҳи пойтахтимизга келиб, Ҳамза театри саҳнасида «Отелло» спектаклини кўрганларидан сўнг «Таклиф ва мулоҳазалар китоби»га: «Биз буюк фожианинг муаллифи Вильям Шекспир ватанида ҳам бу қадар моҳирона ижрони кўрмаган эдик» деган фикрни ёзиб қолдиришган.

Эндиликда, жумҳуриятимизда биронта вилоят йўққи, у ерда ўз театри бўлмасин. Болалар театри, қўғирчоқ театри сон-саноқсиз. Бинобарин, театр спектаклларини кўрмаган бирон бола бўлмаса керак.

Шуни айтиш керакки, санъаткор бўлиш учун иқтидор бўлиши шарт. Юқорида тилга олинган «Отелло» спектаклида бош ролни ижро этган Аброр Ҳидоятов ҳаваскорлардан чиққан иқтидор соҳиби эди.

Одатда санъатга ҳавас қўйганлар кўп бўлади. Шу боис мактабларда, ҳатто болалар боғчаларида ҳаваскорлик тўгараклари мавжуд. Ана шу истеъдод эгалари йўлга солинса, уларнинг камол топиши ўнғайроқ бўлади. Албатта, болалардаги қобилият ҳар хил бўлади: кимдир ҳунарга, кимдир фанга ишқибоз бўлиб, ўша соҳага мойиллик сезилади. Санъат эса ниҳоятда, туғма қобилиятни талаб этади. Мен шундай гўдакларни биламан, улар мусиқа чалиниши билан оёқ-қўлларини ҳаракатга келтириб, ўйинга тушиб кетишади. Бу, албатта, боланинг санъатга бўлган истеъдодидан далолатдир.

Ҳурматли ўқитувчиларимиз ўз фанлари бўйича қобилиятлиларни яхши билишади. Баъзи фанлар алоҳида дастур асосида ўқитилиб, уларга қобилиятли болалар жалб этилаётганлигидан хабарим бор Уларнинг баъзилари фанимизга ҳисса қўшиб, умум ишимизга фойда келтиргани каби, санъатимизга ҳам кириб келадиган истеъдодли ёшлар кўпайса, фойдадан ҳоли бўлмайди. Бунинг учун ҳар бир мактабда ҳаваскорлик тўгараклари бор. Айниқса, ўқувчилар саройларида бунинг имкониятлари кўп. Фақат қобилиятли болаларни аниқлаш ва уларга йўл кўрсатиш бизнинг бурчимиздир. Санъатга қизиқувчилар кўп. Лекин такрор айтаман — туғма қобилият бўлмаса, боладаги интилиш бефойда. Буни кўпроқ ҳаваскорлик тўгаракларида аниқласа бўлади.

Ҳозирги кунда жумҳуриятимиздаги барча ўқувчилар саройларида, мактаб ва билим юртларида, ҳатто боғчаларда ҳам турли машғулотлар ўтказиш одат тусига кириб қолмоқда. Бунда, айниқса, санъатга таллуқли тўгараклар болаларнинг меҳрини қозонмоқда.

Болаларни нима билandir машғул қилиш, айниқса, гўзалликка, санъатга меҳр уйғотиш улар қобилиятини ривож топтирибгина қолмай, балки одоб-ахлоқига ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Мен жумҳурият ўқувчилар саройида фаолият кўрсатаётган доирачилар ва «Чаман» деб номланган рақсчилар тўгаракларй ҳақида илиқ сўзлар айтишни жуда-жуда истардим. Доирачилар тўгараги ўқувчилар саройи ташкил топган кунлардаёқ иш бошлаган. Айниқса, доирачилар ансамблининг довруғи уста санъаткор, машҳур доирачи, марҳум Тўйчи Иноғомов раҳбарлик қилган даврларда жумҳуриятимиздагина эмас, балки бошқа кўпгина мамлакатларга ҳам таралганидан хабардорман. Худди шу доирачилар тўгарагидан машҳур доирачи, Ўзбекистон халқ артисти, давлат мукофотлари совриндори Қаҳрамон Дадаевдек санъаткорлар етишиб чиққан. Ҳозир бу доирачилар дастасида 200 дан ортиқ бола қатнашмоқда. Дастага Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи мукофоти ҳамда Гаванада ўтказилган XI жаҳон ёшлари ва талабалари фестивали совриндори Элмурод Исломов раҳбарлик қилаётир. Мазкур дастанинг бир гуруҳ аъзолари болалар оромгоҳи — «Артек»да ўтказилган Халқаро болалар фольклор фестивалида иштирок этиб, фахрий ёрлиқ ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланишган. Ёш доирачилар 1991 йили Тошкент шаҳрида Ўрта Осиё ва Қозоғистон жумҳуриятлариаро ўтказилган «Зарб-91» кўригида олтин медал соҳиби бўлишди.

Ўқувчилар саройида Азим Азизов раҳбарлигида фаолият кўрсатаётган яна бир ажойиб тўгарак ҳақида икки оғиз сўз Машҳур раққоса Мукарраме Турғунбоева туғилган куннинг 80 йиллиги муносабати билан «Чаман» дастаси ойнаи жаҳон орқали томошабинларимизни ҳайратга солғанининг гувоҳимиз. Дастада қатнашувчиларнинг ҳар бирида профессионал ижро маҳорати, ҳар бир рақсда саҳна маданияти сезилиб туради.

Дастада тарбия кўрган Феруза Одилова ҳозирги кунда Ўзбек давлат хореография билим юртида таҳсил олаяпти. Санобар Аҳмедова, Муқаддам Ҳакимова, Матлуба Исаева, Муҳайё Ҳожимуродова, Малика Фаттоҳова каби тўгарак аъзолари республикада шу кунларда ўтаётган Улуғбек жамғармасининг «Ёш истеъдодларни излаймиз» телевизион кўрик-танловида фаол иштирок этмоқдалар.

Кузатишларим жараёнида шу нарса маълум бўлдики, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Азим Азизовнинг даста аъзолари билан ўтадиган ҳар бир машғулоти ниҳоятда серзавқ ва қизиқарлидир. Шунинг учун бўлса керак, ёшлар ўртасида фольклор-рақс дастасининг шуҳрати ҳам, унда иштирок этишни хоҳлаган болаларнинг сони ҳам ортиб бормоқда. Тўғри, Республика ўқувчилар саройида жуда кўп тўгарак ва дасталар мавжуд. Уларнинг ҳар бири ҳақида алоҳида сўз юритса бўлади.

Болаларнинг саройга келишга интилиш сабабларидан бири машғулотларнинг қизиқарли ўтиши ва тўгарак раҳбарларининг ўқувчилар билан самимий муносабатда эканликларида бўлса керак. Машғулот ўтадиган хоналардаги замонавий асбоб-ускуналарнинг сероблиги, кийим-кечакларнинг етарли бўлиши ҳам иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Сарой раҳбарияти муҳташам бино атрофидаги гўзалликни ҳам ташкил эта билган. Юқорида айтганимиздек, гўзаллик жозибаси шунда бўлса ажаб эмас.

Энди Акмал Икромов туманидаги 394-болалар боғчасининг «Ором» дастаси ҳақида фикр юритмоқчиман. Телевизор орқали намойиш қилинган Мустақиллик майдонидан жумҳуриятимиз мустақиллигининг бир йиллиги байрам тантанасида Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримовга бир даста гул тақдим қилган ва Президентимиз ҳам жажжи раққосани кўтариб, пешонасидан ўпган қизча ёдингизда бўлса керак. Бу иқтидор соҳиби Заҳро Султонова ана шу «Ором» дастасида тарбия кўрган. Мен мазкур болалар боғчаси ва унинг «Ором» дастаси ҳақида сўз юритишдан, аввал, боғчанинг гўзаллиги ҳақида фикрлашмоқчиман. Чунки ана шу жажжи раққоса қизлар сабаб бу ерга қадам ранжида қилишга тўғри келди. У Кўкча Оқтепасидан сал нарида — Хондамир кўчасига жойлашган экан. Кўчага бурилишингиз билан дарахтзорлар орасига жойлашган икки қаватли кўркам бинога кўзингиз тушади. Бинонинг тўрт томони гулзор. Гуллар даста-даста бўлиб пештоқларга чирмашиб кетган. Дарбозаси афсонавий шаклни акс эттирганидан бу ажойиб хонага киришга ошиқасиз. Остонадан қадам ташлашингиз билан қувноқ Хўжа Насриддин ҳайкалига дуч келасиз. Ҳовлининг тўрт бурчагида болаларнинг ўз опалари билан турли машғулот ўтказаётганларига кўзингиз тушади. Машғулотлар ниҳоятда қизиқарли ўтаётганидан кириб келган одамни пайқамай қолишса, ажабланманг.

Мен «Ором» дастасини кўришга ошиқардим. Улар иккинчи қаватдаги рақсчилар учун ажратилган хонада машғулот ўтказишаётган экан. Хонада ўзгача имкониятлар мавжуд эканлигининг гувоҳи бўлдим. Рақс тушаётганлар ўз аксларини кўриб туришлари учун хона деворларига катта ойналар ўрнатилган. Кийиниш ҳамда мусиқа эшитиш хоналарининг деразаларидан кўриниб туриши худди «Баҳор» дастасининг репетиция хонасини эслатди. Машғулотни боғча мудираси Гулнора Қўчқорова олиб борарди. Машғулотни бир оз кузатишимдаёқ рақс ўргатиш учун қанча кунт, қанча журъат керак эканлигини ҳис этдим. Зотан, йигирмага яқин гўдак мусиқа оҳангига қўл-оёқларини ҳаракатга келтириш, миллий қочириқларию юз табассумларигача, кийимларга муносабат — ҳамма-ҳаммасига риоя қилиш осон санъат дейсизми? Гулнора опа уларнинг ҳар бирига синчковлик билан назар ташлаб, ўша дақиқадаёқ нуқсонларни тугатишга ҳаракат қиларкан. Баъзан ўйинчиларнинг энг нозик ҳаракатларини раҳбар опанинг ўзи моҳирона кўрсатиб турарди. Раҳбарнинг рақсга, мусиқага бўлган чексиз муҳаббатини ана шундан ҳам сезса бўлади.

Болаларга бир оз дам берилишидан фойдаланиб, даста раҳбари Гулнора Қўчқоровага бир — икки савол билан мурожаат этдим.

— Болалардаги қобилиятни қандай аниқлайсиз?

— Ҳар бир гўдакни боғчага олаётган пайтда унинг мусиқага бўлган муносабатини аниқлашга ҳаракат қиламан. Кузатишларим натижасида шу нарса аён бўлдики, боланинг мусиқага бўлган қобилиятини мусиқа чалинаётганда бутун жисми ҳаракатга келиши ёки чалинаётган куйга қўшилиб кетиши билан аниқласа бўлади. Мен болаларнинг ҳар бир машғулотга бўлган қобилиятини аниқлай оламан. Балки бу менинг узоқ йиллик тажрибам маҳсулидир. Чамамда болалардаги қобилият кучлироқ бўлади ва бу сезиларли даражада ўз баёнини ҳам беради. Бунинг учун болаларни дилдан севиш ва уларга диққат билан боқиш керак.

— Мусиқа таълимини қачон ва қаерда олгансиз?

— Оиламдагиларнинг ҳаммаси мусиқа шайдоси эди. Мен болалигимдан ашула айтиб, рақсга тушардим. Мусиқа таълимини Глиэр номидаги мусиқа мактаб-интернатида, сўнгра Ҳамза номли мусиқа билим юртида олганман. Мактабда ўқиб юрган давримда онам раҳбарлик қилган мазкур боғчада болалар билан мусиқа машғулоти ўтказардим. Болалар билан ишлаш менга маъқул бўлиб қолди. Шу боис Низомий номли педагогика олийгоҳининг педагогика-психология куллиётини битиришга муваффақ бўлдим. Ўшандан буён мазкур боғчада мусиқа раҳбари ва мудира бўлиб хизматимни давом эттирмоқдаман.

— Ҳозирги иқтисодий қийинчилик даврида тўгарак аъзоларининг кийим-кечакларини қандай эплаяпсиз?

— Имконияти бўлган ота-оналар ўз болаларига кийим-кечак тикиб беришга ҳаракат қилишади, яна дастамиз ижросидаги концертлардан тушган маблағдан фойдаланамиз.

Яқинда «Алпомиш» спорт саройида концерт дастури билан қатнашган эдик. Тушган маблағ ҳисобидан янги кийим-кечаклар тиктиряпмиз. Бу, албатта, янги тайёрлаётган дастуримизга ҳусн беради.

— Халқ таълими вазирлиги мутахассислари ёш иқтидор соҳибларини тарбиялашда боғча билан мактаб ўртасида узилиш бор, деган гапни айтишди. Шу тўғрими?

— Шундай ҳодисалар ҳам бўлган. Биз буни бартараф қилиш учун боғча болаларини ёнимиздаги мактабнинг бошланғич синфлари билан бирга тарбиялашга қарор қилдик ва шу асосда иш бошладик. Балки бу тадбиримиз ўртадаги узилишни бартараф этар, деган умиддамиз.

Кўриб турибсизки, қобилиятни вояга етказиш ниҳоятда мушкул ва масъулиятли иш. Буни фақат бардош билан бажармоқ керак. Иқтидор ноёб нарса. У ҳар кимга ҳам насиб этавермайдиган табиат инъоми. Иқтидор болаликданоқ аён бўла бошлайди. Аммо бола унга эътиборсизлик билан боқиши ҳам мумкин. Шуниси ҳам борки, айрим ота-оналар фарзандларининг санъатчи бўлишига рўйхуш беришмай, ўз кўнгилларидаги орзуни ушатмоқчи бўладилар. Шундай пайтда ўқитувчи ё мураббий ҳақиқий иқтидорни пайқаб қолса, эътибордан четда қолдирмай, иқтидорнинг камол топишига ўз ҳиссасини қўшса, фақат ўз вазифасини ўтабгина қолмай, балки халқимиз дуосини ҳам олади. Чунки иқтидор халқ бойлигидир, деган гаплар бежиз айтилмаган.

XXI аср кириб келишига ҳам озгина муддат қолди. Ҳозирги болалар XXI аср кишилари бўладилар. Бинобарин уларни баркамол, юксак савияли қилиб тарбиялаш бизларнинг зиммамизда турган асосий вазифадир. Америкада ўтган йили «XXI асрда авлодларнинг тарбияси» деган мавзуда оламшумул анжуман бўлиб ўтди. Унда жуда кўп дин вакиллари, адабиётчилар ва санъатчилар иштирок этдилар. Анжуманда XXI аср инсониятга ё ташвиш келтиради ё бўлмаса юқори маданиятли инсонлар учун ҳамма нарса муҳайё, бир-бирига ёр-биродарлик, меҳр-шафқатли замонлар бўлади, деган фикр олға сурилди.

XXI аср инсонлари ахлоқи, маданиятининг юксалиши дин, адабиёт ва санъат кишилари зиммасига тушганлиги ҳақида маърузалар бўлди. Инсоният ҳамма вақт яхшиликка, гўзалликка интилади. Одамзодни эса гўзаллик тарбиялайди. Шу боис бўлса керак, эндиликда дин арбоблари ҳам адабиёт ва санъат ҳомийлари билан умуминсоний тарбияни биргаликда олиб боришга қарор қилдилар.

Дарҳақиқат, ҳамма жамиятда ҳам дин, адабиёт, санъат одамларни эзгуликка чорлаган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолиши муқаррар. Ўрни келганда ўз тажрибам юзасидан баъзи маслаҳатларни бериб ўтмоқчиман. Каттадир-кичикдир ҳар бир миллатнинг буюк зотлари борким, улар билан дунё халқлари фахрланади ва уларни ўрганади. Инсон ўз қобилиятини пайқаши билан унинг ривожига туну кун ҳаракат қилмоғи керак. Бунинг учун энг муҳим нарса — тинимсиз машқ. Алишер Навоий тинимсиз машқ билан юксакликка кўтарилган. Машҳур раққоса Мукаррамахоним «Бир кун ўйинга тушмасам, оёқ-қўлларим қотиб қолаётгандек туюлади» деган. Мен Собир Раҳимов ролини ижро этганимда туну кун генерал кийимида юрганман. Буйруқларни ҳам у киши бўлиб берганман. Машҳур актёр Шукур Бурхонов бир кун саҳнага чиқмаса, ўзини қаёққа қўйишни билмасди. Ўзбекистон халқ ҳофизи Маъмуржон Узоқов халқ олдида ашула айтаётиб ҳаётдан кўз юмган эди.

Санъат фидойиликни ёқтиради. Марҳум Юнус Ражабий бир умр шогирдлар қуршовида яшади деса бўлади. Деярли ҳамма мақомчилар у кишидан сабоқ олган. У сабоқ берибгина қолмай, ҳатто халқ ичида хуш овозни эшитса, қидириб топар, моддий ёрдам бериб бўлса ҳам санъат даргоҳига чорларди. Бундай буюклар, айниқса, фан, адабиётда кўп. Мен адабиёт, санъат дурдоналарини ўрганишга кўп қунт қилганман. Айрим кишилар маданиятли киши бўлмоқ учун ўз халқи адабиёти ва санъати дурдоналарини пухта ўрганиш кифоя деб ўйлайдилар. Аммо дунёда шундай дурдоналар борки, у миллий чегаралардан ўтиб, умуминсоний бойликка айланган. Гёте, Данте, Шекспир, Пушкин, Толстой каби ёзувчилар, Бетховен, Чайковский, сингари композиторларнинг ноёб асарларини билмай туриб, киши ўзини мукаммал маданиятлиман, деб айта олармикин?! Шу боис уларнинг асарларини ўқиш, тинглаш, саҳналарда қўйилса, томоша қилишни болаларда ёшлик чоғидан одат тусига киритиш лозим.

Хуллас, театр, мусиқа инсон маънавиятини камол топтиришнинг муҳим воситасидир. Атоқли педагог В. А. Сухомлинский айтганидек, «Бадантарбия қадни расо қилгани сингари, мусиқа ҳам инсоннинг кўнглини кўтаради, руҳини ўстиради».

Зикир **МУҲАММАДЖОНОВ.**

ТАЖРИБАЛАР ИШ БЕРДИ

СУРХОНДАРЁ. Дунёни бадиий идрок этиш учун ёшларимизга тасвирий санъат, адабиёт фанларини чуқур ўргатмоқ лозим. Бу масалага жиддий қараган бойсунликлар бир неча йиллик тажрибага суянган ҳолда синф ўқувчилари билан синфдан ташқари ишларни яхшилаш, уларни фаоллаштириш, бадиий эҳтиросларини янада шакллантириш мақсадида шаҳар кенгаши тасарруфидаги 4, 39-мактаблар базасида «Ёш мусаввирлар» танловини ўтказди.

Танлов икки қисмдан иборат бўлиб, ўқувчиларнинг мактабларда дарс жараёнидаги чизган ишлари, шунингдек, мусобақа ўтказилаётган даврнинг ўзидаги машқлари кўриб чиқилди.

Кучли беллашувлардан сўнг У. Жабборов, Ш. Насриддинов, Ш. Мусулмонов, Д. Холмўминова, М. Ғаниева, И. Норқобилова каби турли синф ўқувчилари ғолиб деб топилди. Улар туман халқ таълими касаба уюшмаси томонидан эсдалик совғалари билан тақдирландилар. Ана шу тадбирнинг яхши ўтишида мутахассисларимизнинг узоқ йиллик тажрибалари яхши иш берди.

О. ЙЎЛДОШЕВ.

БАЙРАМ ТАРАДДУДИ

ҚАШҚАДАРЁ. Шаҳрисабз туманидаги муаллимлар тайёрлаш илмгоҳида «Наврўз» халқ байрамига ҳозирлик кўриш ҳар йилгига кўра эрта бошлаб юборилди. Талабалар, муаллимлар бу шодиёна кунни кўнгилдагидек ўтказиш учун ҳозирданоқ миллий таомларни тайёрлаш, халқ ўйинлари, йўқолиб бораётган турли анъаналарга эътиборни қаратмоқдалар.

Илм даргоҳининг махсус залида ҳар куни машғулотлар ўтказилаяпти. Шунингдек, «Наврўз» баҳор байрами сифатида шу куни илмгоҳ тасарруфидаги майдонларга турли хил мевали ва манзарали дарахт кўчатларини ўтказиш ҳам кўзда тутилган.

Э. САМАДОВ.

ЎЗБЕКИСТОН МАОРИФЧИЛАРИДАН „МАЪРИФАТ"ГА

ЯНГИЛИКЛАР КЎПАЯВЕРСИН

ТОШКЕНТ. Маълумки, ижтимоий тузумимизда халқ таълимининг янгиланиш сари дадил одимлар билан бориши, бугунга келиб барчани қувонтирмоқда. Янги дарсликлар, ўқув қўлланмалари ва дастурларнинг юзага келаётганлиги мустақил республиканинг халқ таълими соҳасини юқори поғоналарга кўтаришдан далолат. Бу ишда Ўзбекистон Республикаси ўқитувчилар малакасини ошириш Марказий институтининг қўшаётган ҳиссаси ҳам таҳсинга лойиқ.

Биз республикамизнинг турли вилоятларидан келиб, қисқа муддатли малака ошираяпмиз. Бироқ қисқа бўлса-да, анчагина янгиликлардан, фан-техниканинг сўнгги сирларидан воқиф бўлдик. Олимлар ва мутахассислар бизга сабоқ беришда ўз хизматларини аямаганликларидан миннатдормиз. Янгиликлар кўпаяверсин, биз эса уларни ёшлар қалбига сингдиришдан толиқмаймиз.

А. ҲАМРОЕВА.

УЛУШ ҚЎШМОҚДАЛАР

СИРДАРЁ. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўқитувчилар ҳамда ўқувчилар, умуман, юртимиз келажаги — мактаб тақдирини ўйлаб чиқарган бир қатор фармонларининг ижроси вилоятимизда катта қизиқиш билан амалга оширилмоқда. Айниқса, бу борада оқолтинликларнинг ташаббусини алоҳида қайд этиб ўтиш керак. Туман ҳокимиятининг алоҳида буйруғига асосан шу кунгача тумандаги мавжуд педагогларнинг қарийб ҳаммаси уй-жой ҳамда ер-участкалари билан таъминландилар.

Оталиқ ташкилотлари ҳам бу хайрли ишдан четда қолган эмаслар. Улар ўқувчиларни озиқ-овқат маҳсулотлари, махсус стипендиялар билан таъминлашда ўз улушларини қўшиб келаяптилар.

А. МАҲСУМОВ.

«МАКТАБГАЧА ТАРБИЯ»НИ ЎҚИНГ!

Азиз болажонлар, муҳтарам ота-оналар, ардоқли бобо ва бувижонлар!

«Мактабгача тарбия» журналининг 1993 йил 1—2 қўшма сони босилиб чиқди. Тандирдан эндигина узилган бўрсилдоқ нондай ҳали ҳоври кетмаган ушбу сонни сизларнинг ҳукмингизга ҳавола этяпмиз.

Бу соннинг дастлабки бетида «Ўзбекистон Республикаси Давлат Мадҳияси» берилган. Кейинги саҳифаларда эса «Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси»дан боблар илова этилади. «Дунё фақат болаларники» деб сарлавҳа қўйилган болалик ҳақидаги ўйларни Одина Раҳмонова ёзган. Унда оналик меҳри, болаларни эъзозлаш шарафлари офтоб тафтидай уфуриб туради.

Кечагина Тошкентда маданият кунлари бўлиб ўтган Қорақалпоғистон Республикасининг халқ таълими вазири Тотшлимурот Отамуротовнинг «Болалар — ҳаёт кўрки» мақоласида шундай сатрлар бор: «Дунёда ўсиб келаётган авлодни тарбиялашдан ҳам масъулиятлироқ, шу билан бирга олижаноброқ иш бўлмаса керак, зеро, улар ҳаётимиз кўрки, жамиятнинг эртанги куни, истиқболимиздир».

«Бешик тўйи» 5—7-ёшли болалар учун саҳналаштирилган ўйин-машғулот баёнидир. «Қорхат»га тушдингиз мақоласи журналимиз номига келган хатлар шарҳидир. «Темир тузуклари» асари ҳаммамиз учун яшаш, одамийлик сари одил қадам ташлаш дастури экани сир эмас. Журналимиз саҳифаларида ушбу асардан ҳикматлар келтирилган. Шунингдек, филология фанлари номзоди Замира Иброҳимова «Навбатдаги машғулот» рукнимизга биринчи машғулот сифатида «Амир Темур ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш»га бағишлаб махсус дарснома ёзган.

Булардан ташқари, қорақалпоқ халқи ҳикматлари, иримлари, ўйинлари, «Наво париси келди» ўйин-машғулоти, болаларни жони-дилидан севиб ижод қилган марҳум Қудрат Ҳикмат шеърларидан намуналар ва у ҳақда мақола, Улуғбек Мустафонинг «Совға» ҳикояси, дунё адабиёти алломаларининг ҳикматларидан намуналар, Зубайда Ҳусаинова нашрга тайёрлаган «Қирққулоқ» эртаги, таниқли шоир Азиз Абдураззоқнинг «Тилло мамлакат» ривояти ҳам мавжуд.

Жумҳурият ўқув-методика маркази мактабгача тарбия бўлими мудири Замира Абдураҳимованинг «Табиат бурчагини ташкил қилиш» машғулот мақоласи, «Ватаннома» рукнидаги шоир Абдулла Шер қаламига мансуб «Шаҳарлар боқийдир, умр — ўткинчи» мақоласи эътиборингизни ўзига тортади деб умид қиламиз. Журнал безаги, айниқса, Амир Темур сиймоси туширилган саҳифамиз дилингизни хушнуд этса ажаб эмас.

Ўйлаймизки, журналнинг қўшма сони сизга манзур бўлиб, қалбингизга кириб боради.

САЙЁР.

Тошкент шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш институтида мактаб мусиқа ўқитувчилари ҳамда таниқли мусиқашунослар иштирокида ўтказилган конференцияда мактаб ва болалар боғчаларида миллий мусиқани ривожлантириш масаласи турди. Шунингдек, Наврўз байрамини кенг миқёсда нишонлаш тадбирлари ҳам муҳокама қилинди.

ТАСВИРДА: конференция залидан кўриниш.

Х. МИРЗАКАРИМОВ сурати.

ХАЙРЛИ ИШ

Кейинги пайтларда ҳаётимизнинг барча жабҳаларида бўлгани каби жумҳурият радиосида ҳам эшиттиришлар савияси ғариб, сиқиқ ва қоида қолипидан чиқмаган дастурлар негизида тўтиқуш мисол фаолият кўрсатиб келди. Бу нарса, айниқса, «Пионер эрталиги», шунингдек, «Болалар ва ўсмирлар учун эшиттиришлар»да ҳам кўзга ташланди. Дастурнинг бу тармоқларида мактаб ўқувчилари учунгина юзаки, саёз ҳолда миллий қадриятлар, ахлоқ ва одоб тарбияси деярли унутилган ҳолда қуруқ «дийдиё»ларнинг оғзаки ифодаси эшиттирилди, холос.

Ҳозирга келиб «Оқшом тўлқинлари», «Сайёрамиз садоси», «Мактаб, маориф ва тарбия» бош муҳарририяти каби кенг қамровли эшиттиришларнинг пайдо бўлиш, буларда миллий қадриятлар, ёшлар ва ўсмирлар тарбиясига доир материалларнинг мунтазам берилиб борилиши яхши ишдан далолат.

Жумҳурият радиоси жамоаси шу кунларда ахлоқий ва оилавий тарбияни талаблар даражасига кўтариш учун энг аввало, тарбияни болалар, қолаверса, ўқитувчилардан, ҳатто боғча ва бошланғич синфлардан бошлаш лозимлигини илмий-методик ва педагогик жиҳатдан тўғри деб топдилар.

Шу йил январдан бошлаб «Мактаб, маориф ва тарбия» номида эшиттиришлар бошлаб юборилганлиги ҳам фикримиз далили. Бу мазмунан кенг қамровли янги бўлим ходимлари — педагог-журналистлари мактаб муаллимлари, ота-оналар учун ҳафтасига тўрттадан, яъни дастурга кўра, ўқитувчилар учун ҳафтанинг ҳар душанба ва чоршанба кунлари 10 дан 30 дақиқа ўтганда ярим соатдан, ота-оналар учун эса сешанба ҳамда шанба кунлари кеч 19 дан 30 дақиқа ўтгач, ярим соатдан эшиттиришни биринчи тўлқин орқали бериб, катта тарбиявий ишларни янги мазмунга буриб юборишди.

Ушбу бўлимга «Келажак тонги» таҳририятининг бош директори, таниқли журналист Эркин Маликов бошчилигида мазмунли дастур тузилиб, унинг ижроси, эшиттириш кўламининг тўла руҳиятига жавобгар сифатида тажрибали журналист Абдурашид Исроиловга юклатилди.

«Ҳар бола бир дунё», «Маърифий дақиқалар» каби рукнлар остида берилаётган эшиттиришлар мазмун ва моҳият жиҳатидан тарбия ва таълим тараққиётига хизмат қилади десак муболаға бўлмайди.

Мен шу тингловчилардан бири — педагог-журналист сифатида мазкур янги эшиттиришнинг хайрли фаолиятини қўллаб-қувватлайман, эшиттиришнинг янада жонлироқ бўлишидан умидворман.

Ҳ. УЗОҚОВ,
Ўзбекистон халқ таълими аълочиси.

БИЛИБ ҚЎЙГАН ЯХШИ

● Дунёда биринчи телескоп — рефлектор моделини 1668 йили Ньютон ясаган эди. Моделнинг узунлиги 15 сантиметр, кўзгусининг диаметри 25 миллиметр бўлган.

● Милоддан аввалги II асрда яшаган Гиппархнинг юлдузлар каталогида 1022 та юлдуз бўлган экан.

● XX аср бошларида осмонда 163.000 юлдуз борлиги маълум бўлиб, 13-юлдуз катталигидаги объектлар кузатилиб, шундай хулосага келинган: «...Юлдузлар оламининг кўришимиз мумкин бўлган чегараси биздан 32.000 ёруғлик йилига (бир ёруғлик йили 9.460. 10.000.000.000.000 километр) тенг бўлган масофададир».

● 1975 йилнинг охирида собиқ Совет Иттифоқи Фанлар академиясининг махсус астрофизика обсерваториясида дунёда энг улкан БТА телескоп-рефлектори (катта азимутал телескоп) ишга туширилди. Унинг олти метрлик кўзгуси 25-юлдуз катталигидаги объектларни ҳам кўришга имкон беради, деб айтилди.

Ваҳоланки, улардан Ерга келадиган ёруғлик энергияси кўз илғаб оладиган даражадан 40 миллион марта камдир. Катта азимутал телескоп ёрдамида кўплаб суратлар олинди.

● Сайёралар турлича чизиққа эга бўлгани сабабли муайян муддат ичида маълум радиал йўналишда бир-бирларига яқинлашуви ва бир-биридан узоқлашуви мумкин. Масалан, Нептун билан Плутон 484 йилда бир марта ўзаро яқинлашади.

А. АЛИЕВ тайёрлаган.

Сардор МАҲМУД

Инглизчадан Шамолиддин Ҳамдам ва Шариф Холмурод таржимаси

Сомонийлар (874 — 999-йиллар). Юқорида эслатиб ўтилганидек, сомонийлар авлодига мансуб бўлган Носир ибн Аҳмад Трансоксианияда тоҳирийларга қарши курашган киши эди. Унинг укаси Исмоил эса (892 — 907-йиллар) уларни Хуросондан батамом қувиб чиқарди. Бошқа сулолалар сингари сомонийлар ҳам халифанинг ҳукмронлигини эътироф этишар, лекин бошқа ҳамма нарсада ўзларини мустақил тутар эдилар. Назир II (913 — 943-йиллар) даврида улар ўз ерларини кенгайтириб, бутун шарқий халифаликка ва шарқий Ироққа ҳам ҳукмронлигини ёйдилар. Бухоронни ўзларига пойтахт қилиб, кичик шаҳар бўлган Самарқандни катта обод шаҳарга айлантирдилар. Сомонийлар форс тилини рағбатлантирб, санъат ва фанга ҳомийлик қилишарди. Улар ҳукмронлиги даврида уч даҳо — файласуф, илми ҳикмат ва риёзиёт олими Абу Али ибн Сино, файласуф ар-Розий ва буюк форс шоири Фирдавсий яшаб ўтди. Сомонийлар форсий тилни узоқ муддат давомида такомиллаштира бориб, араб классик асарларини шу тилга ўгирдилар.

Ғазнавийлар (961 — 1186-йиллар). Сомонийлар сулоласи ўнинчи аср охиригача гуллаб-яшнади, бироқ олтинчи аср бошидан у инқирозга юз тутиб, Қобулда янги давлат вужудга келган эди. Унга сомонийларнинг собиқ турк қули Алптегин асос солди. У сомонийлар авлоди қироллигидаги тансоқчилар гуруҳида юксак мавқега эришгач, Хуросон ҳокими этиб тайинланди. Анча вақтдан кейин нафратга учраб, кичикроқ қўшин билан шарқий вилоятларга, Ғазна деган жойга бош олиб кетди ва у ерда мўъжазгина шаҳар-давлат барпо этди. Унга ворис бўлган қули ва куёви Сабуктегин анча истеъдодли киши эди.

Сабуктегин (967 — 997-йиллар). У мустақилликка эришиб, ўз ерларини кенгайтирди. Ғарбда сомонийлар авлодининг сўнгги вакилидан Хуросонни тортиб олди, шарқда эса ҳозирги Покистон ва Афғонистон ҳудудида жойлашган Пешаварни эгаллади. Бу ерда унга ҳужум қилган Панжоб рожаси Жайпал мағлубиятга учраб, жуда катта миқдорда товон тўлашга рози бўлди. Лекин Жайпал Лаҳўрга қайтиб келгач, сўзининг устидан чиқмади, шунинг учун ҳам Сабуктегин унинг тасарруфидаги ерларга бостириб кирди. Бошқа рожаларга ёрдам сўраб мурожаат қилган Жайпал улардан мадад олиб, бирлашган кучлари билан Сабуктегин устига юриш қилди. Бироқ ҳиндларнинг яна омади чопмади. Натижада Ҳинд дарёсининг ғарб томонидаги ерлар ғазнавийлар ихтиёрига ўтди.

Улуғ Маҳмуд (999 — 1030-йиллар). Ғазнанинг бу буюк султони Маҳмуд Сабуктегиннинг ўғли эди, у ғазнавийлар шуҳратини бутун Осиёга ёйди. Маҳмуд отаси билан биргаликда кўрган тадбирларидан ўз уруғи билан сомонийлар орасида талашувлар бўлиб турганлигини, Шарқда Панжобнинг шаҳий подшоҳликлари билан рақобат мавжудлигини яхши билар эди. Шу Жайпал қазо қилиб, унинг ўғли Анаддпал Панжобни бошқариб турган эди. Отаси сингари у ҳам шартлашилган тонни тўлашдан бош тортди, бу Маҳмуд билан шаҳий подшоҳлари ўртасида урош чиқишига яхши баҳона бўлди. Ўзаро тортишувлар Ислом азаматининг Ҳиндистон шаҳий подшоҳлари устига машҳур ўн еттинчи юриши билан якунланди. Қатъиятли сунний бўлган Маҳмуд Ғазна султони сифатида халифа деб эътироф этилди. Халифа унга «Ямин уд-Давла» (Давлатнинг ўнг қўли) унвонини берди. Шундан кейин Маҳмуд ўзининг ғазовот урушлари силсиласини бошлаб юборди. У Ҳиндистоннинг муҳим маданий ва диний марказларига ҳужумлар уюштирди, чунки қўшни рожалар шу масканларни қутқариш учун бирлашишларидан хабардор эди. Ғазнавийлар ўша пайтда ўн икки марта юриш қилганликлари тарихда қайд этилган. Ҳиндларнинг Гужарат вилоятига қарашли Катхиаваре деган жойдаги машҳур Сомнас зиёратгоҳига қилинган ҳужум уларнинг энг машҳуридир. Маҳмуд Рожпутан чўлини босиб ўтишга мажбур бўлган бу юришида қарийб барча ҳинд рожаларининг бирлашган кучларига қарши туришини яхши биларди. Бу жанговар саркардани жасурлиги ҳад-ҳудудсиз эди. Дастлабки пайтда анча кўп сонли ҳинд қўшинлари исканжасида бўлгани ҳолда ғолиб чиқиб, шаҳарни эгаллагач, Сомнас эҳромига кириб борди ва миллионлар илтижосига қарамай, ундаги бутни чилпарчин қилиб ташлади. У юртига катта ўлжа билан қайтди. Маҳмуднинг ғарбдаги зафарлари ҳам Хуросон ва бутун Форснинг қўшиб олинишидан қолишмайди. Шуҳрати чўққисида у Ҳиндистондаги Жамна дарёси билан ғарбдаги Дажла дарёси ўртасида жойлашган бепоён кенглик ҳукмрони бўлиб турди.

Маҳмуднинг таърифи. Ҳинд тарихчилари Маҳмудни босқинчиликда, шаҳарлар ва эҳромларни шафқатсиз вайрон қилишда айблашади. Бу тўғри эмас, Маҳмуд учун Ҳиндистон «Дар ул-харб», яъни урушлар маскани бўлган. Шаҳий подшоҳлари Маҳмуднинг отасига қарши уруғчилик урушини қўзғадилар, кўп марталаб Сэбуктегинга ҳамда Маҳмудга берган ваъдаларига вафо қилмадилар. Эҳтимол, «муқаддас уруш» олиб борган Маҳмуддан ўз ватанини ҳимоя қилганликлари учун уларнинг қилмишларини оқлаш мумкиндир. Маҳмуднинг ўз таъбири билан айтганда, у бутпарастларга қарши ҳар йили ёки бир йил ўтказиб ғазовот уруши олиб борарди. Ўша пайтда бундай уруш қонуний бир ҳол ҳисобланарди. У ҳеч қачон шаҳарларни яксон қилмаган, оммавий қирғинларга йўл қўймаган.

Маҳмуд — санъат ҳомийси. Ислом қаҳрамони сифатидаги шон-шуҳрати билан Маҳмудга бас келадиган ҳокими мутлақлар кўп эмас. Ўз пайтида у Осиёнинг биринчи ҳокими эди. Жонажон шаҳри Ғазнада шу қадар кўп иморатлар, мактаблар, шунчалик беадад илмий муассасалар қурдириб, халқига ато қилиб, ўз пойтахтига кўплаб машҳур кишилар даъват этдики, бу унинг номини ўн биринчи асрдаги энг буюк илмпарвар сифатида тилларда достон айлади. Маҳмуд шоирлар ва машҳур кишиларга ҳар йили 400 минг динорлаб маблағ сарфлаши билан Фирдавсийни мислсиз «Шоҳнома» асарини ёзишга илҳомлантирган. У Ғазнада дорилфунунга асос солиб, машҳур файласуф, олим, сўз устаси ва шоир Ансорийни унга мударрисликка тайинлади. Бошқа кўпгина шоирлар, жумладан, Асади Тусий, устод Фирдавсий, Асжодий ва Фарруҳий ҳам шу ерда эдилар. Улуғ аллома ал-Беруний ҳам Маҳмуд ҳузурида ишлади, лекин у шоҳнинг маслаҳатчиси Аҳмад ибн ал-Маймандий билан чиқиша олмай, шаҳзода Султон Маъсудга қўшилди. Ғазнавийлар ҳақида битилган «Тарихи ямини» асарининг муаллифи машҳур олим Утбий Маҳмуд саройида фаолият кўрсатган. Ўз паноҳида шунчалик кўп ёзувчилар, қизиқчилар ва олимларни тўплаб, бутун қитъада шу қадар юксак обрўга эга бўлиш камдан-кам шаҳаншоҳга насиб қилган.

Маҳмуднинг ворислари. Машҳур султонлар — Султон Маъсуд ва билим бобидаги жонбозлиги билан донг таратган ўғли Султон Байрам ибн Маъсуд унинг ворислари жумласидандир. Байрам фозилу фузалоларга совға-саломлар ва мукофотлар беришда жуда саҳий эди. У «Маҳзани асрор» асарининг муаллифи Шайх Низомий ва Сайёд Ҳасан Ғазнавий сингари таниқли кишиларни саройига жалб қилди. Айни Султон Байрам подшоҳлиги даврида ва унинг раҳнамолиги туфайли «Калила ва Димна» масаллар мажмуи санскрит тилидан форсчага таржима қилинди. Ғазнавийлар тоборе ҳолдан тойиб бораётган қироллиқни юз йилдан кўпроқ давр бошқариб турганларидан кейин Панжоб томон суриб чиқарилдилар. Маҳмуднинг сўнгги вориси у ерда Шаҳобиддин Ғурий (1186 йил) ҳаётлигида Лаҳўр ҳокими бўлиб турди.

Бувайҳийлар (945 — 1055-йиллар). Ғазнавийлар ҳалифаликнинг узоқ шарқий бўлагида ҳукм суришаётган бир пайтда унинг марказий қисмида азим бир давлат вужудга келди. Уни халифаларнинг ўзлари бошқара бошладилар Ал-Муқтадир давридан эътиборан халифа ҳузурида Амир ул-уламо хизмати таъсис этилди. Умуман, қироллнинг тансоқчи навкарлари бошлиғига бериладиган бу мансаб соҳиби халифаликдаги энг қудратли киши ҳисобланарди. Халифа ал-Мустакфий даврида (944—946-йиллар) бу хизмат форсий наслдан бўлган Аҳмад ибн Бувайа исмли таниқли кишига тегди. Аҳмад шу мавқеда ўрнашгач, унга Муизза уд-Давла унвони берилди. Бу масъулиятли мартаба халифа топшириғи деб қабул қилинарди. Аҳмаднинг отаси шарқий форслар қабиласининг сардори бўлиб, унинг сомоний қироллар хизматида у қадар юксак бўлмаган ҳарбий саркардалик вазифаларини эгаллаб турган уч ўғли бор эди. Форсга ҳужум қилиш арафасида акаукалар ўз қўшинларини ташкил этганликлари натижасида Исфаҳон, Ҳузистон ва Кирмонни забт этдилар. Уларнинг ўзлари 934 йилга келиб Шерозда қўним топдилар, ўн бир йилдан кейинг энг истеъдодлиси бўлган Аҳмад Бағдодга қарши жангга киришганида Халифанинг тансоқчилари тум-тарақай қочиб қолишди. Шу сабабли ҳам у Аҳмадни ўзининг ҳимоячиси сифатида хайрихоҳлик билан қабул қилишга мажбур эди Аҳмадга бағоят юксак «Амир ул-Умаро» лавозими ато қилинди. Шундай қилиб, эътиқодли шиалар бўлган бувайҳийлар марказ ҳокимлари, сунний халифа эса улар ҳимоясидаги киши бўлиб қолдилар.

(Давоми бор).

КУРСГА КЕЛУВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

А. АВЛОНИЙ НОМЛИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМЛАРИ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ МАРКАЗИЙ ИНСТИТУТИ МАРТ ОЙИДА ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА МАЛАКА ОШИРИШ КУРСЛАРИНИ ЎТКАЗАДИ:

1. Туман (шаҳар) ХТБ назоратчилари (овқатланиш бўйича) — ўзбек гуруҳи 1 — 15 март.

2. Ўрта мактаб директорлари — ўзбек гуруҳи 1 — 29 март.

3. Туман (шаҳар) ХТБ назоратчилари — арал. гуруҳ 15 — 27 март.

4. Бошланғич синфлар бўйича туман (шаҳар) методмаҳкама методистлари — ўзбек гуруҳи 1 — 29 март.

5. ЭҲМни ўқув жараёнига тадбиқ этиш: туман (шаҳар) ўқитишнинг техника воситалари маркази директорлари — ўзбек гуруҳи 15 — 27 март.

6. Математика бўйича НШ методмаҳкама методистлари — ўзбек гуруҳи 1 — 15 март.

7. Ўзбек тили ва адабиёт ўқитувчилари методбирлашма раҳбарлари — ўзбек гуруҳи 1 — 15 март.

8. Ўзбек тили ва адабиёт бўйича НШ методмаҳкама методистлари — ўзбек гуруҳи 15 — 27 март.

9. Тожик тили ва адабиёти ўқитувчилари методбирлашма раҳбарлари (Самарқанд шаҳрида) — тожик гуруҳи 1 — 29 март.

10. Олий ва I тоифали куни узайтирилган гуруҳ тарбиячилари — ўзбек гуруҳи 1 — 15 март.

11. Мусиқа ўқитувчилари методбирлашма раҳбарлари — ўзбек гуруҳи 15 — 27 март.

12. Ердамчи мактабларнинг логопедлари — арал. гуруҳ, 1 — 29 март.

13. Янги типдаги мактаб (лицей, гимназия, коллеж) раҳбарлари — арал. гуруҳ 1 — 29 март.

14. Кимё фани ўқитувчилари методбирлашма раҳбарлари — ўзбек гуруҳи 1 — 15 март.

15. Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби директорлари — ўзбек гуруҳи 1 — 29 март.

16. Чақириққача ёшлар тарбияси бўйича НШ методбирлашма раҳбарлари — ўзбек гуруҳи 15 — 27 март.

17. Олий ва I тоифали тарих ўқитувчилари — ўзбек гуруҳи 1 — 29 март.

18. Немис ва француз тилларини чуқур ўрганадиган мактаб ўқитувчилари (шунингдек, лицей, гимназия, коллеж) — арал. гуруҳ 1 — 29 март.

19. Рус тилида ўқитиладиган мактабларнинг олий ва I тоифали рус тили ўқитувчилари (Илғор тажриба мактабида муаммоли курс) — рус гуруҳи 1 — 20 март.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: Тошкент, Талабалар шаҳарчаси, Сандов кўчаси, 6-уй.

Курсга келувчиларнинг йўл ва ўқиш харажатларини институт тўлайди. 24 кунлик ўқиш муддатига келувчиларни даволаниш муассасасининг (поликлиникасининг) йўлланмаси бўлган ҳолда, улар институт қошидаги санаторий-профилакториядa жойлаштирилади.

Курс давомида тингловчиларга Халқ таълими вазирлиги, «Маърифат» газетаси, «Халқ таълими» журнали ходимлари ва «Ҳамза» театри актёрлари билан учрашувлар ташкил қилинади.

БИЛДИРИШ

«Интер» илмий-техника бирлашмаси тугатилади. Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида қабул қилинади.

МАНЗИЛГОҲ: Тошкент шаҳри, Ленинград кўчаси, 30-уй.

Янги китоблар

ИНСОНИЙ ФАЗИЛАТЛАР ТАЛҚИНИ

Мустақил Ўзбекистонни бугун жаҳон танимоқда. Унинг халқи ва маданияти, тили ва урф-одатлари, қадриятлари, кишиларининг миллий муносабатларига эндиликда Машриқда ҳам, Мағрибда ҳам қизиқиш катта.

Мустақиллик туфайли миллий қадриятларимизни тиклаш ва эъзозлашга ҳам кенг йўл очилди. Уларни тадқиқ этиш, унутилганларини қайта тиклаш ва оммалаштириш зарурлигини давр тақозо этмоқда. Аждодларимиз, ота-боболаримиз тамал тошини қўйган, асрлар ва наслларнинг синовидан ўтган анъаналаримизни, урф-одатларимизни, миллий тарбиянинг асосини бўлган одоб ва ахлоқ намуналарини бугунги ва эртанги турмуш тарзимизнинг зийнатига айлантириш ҳар бир ватанпарвар ва инсонпарвар зиёлининг муқаддас бурчидир. Чунки бу саховатли иш буюк алломаларимиз Форобий ва Навоий, Ат-Термизий, Яссавийлар истаги ва нияти, бу йўлда қатағон қурбонлари бўлган Чўлпон ва Фитрат, Авлоний ва Қодирийлар эзгу орзуси бўлганди. Оллоҳга минг қатла шукурки, орзулар рўёбга чиқадиган рўшнолик кунларига етиб келдик.

Истиқлол янги вазифаларни қўймоқда. Ўзбекистон эртасини яратувчи ёш авлодни комил инсонлар қилиб тарбиялаш, уларда миллий қадриятларимизни қадрлаш, инсонийлик фазилатлари, одоб ва ахлоқ анъаналарига эътиқод ва ҳурмат туйғуларини камол топтириш ҳам ана шу долзарб вазифалардан бирики, бу ёшларда миллий ўз-ўзини англашнинг, ватанпарварликнинг, инсонпарварликнинг асосини ташкил этади. Шунинг учун ҳам мактабларнинг ўқув дастурларига «Одобнома» дарслари киритилди, бу борада дарсликлар, қўлланмалар, кенг жамоатчиликка мўлжалланган китоблар яратилмоқда.

Тарих фанлари номзоди, Мусақул Усмоновнинг бу борада ёзган «Одобнома» циклидаги китоблари ҳам миллий одоб ва ахлоқ намуналарини талқин ва тарғиб этишда ўзига хос аҳамият касб этиши шубҳасиз. Муаллифнинг дастлабки «Одобнома» (I қисм) китоби 1991 йилда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг «Фан» нашриёти томонидан чоп этилганди. Унинг мазкур циклдаги «Қусурлар касри» (III қисм)ни «Меҳнат» нашриёти 1991 йилда ва «Яхши фазилат — инсонга зийнат» (II қисм) деб аталган китобини «Ўзбекистон» нашриёти ўтган йили чоп этди.

Ҳар уч китобда ҳам муаллиф ўзбек халқида асрлар давомида шаклланган одамийлик муносабатларига, унинг миллий хусусиятларига асосий эътиборни қаратади. Меҳнатсеварлик, камтарлик, ширинсўзлик, виждонлилик, ҳалоллик, ҳаё ва андиша сингари фазилатларнинг моҳияти ва ҳаётий аҳамиятини атрофлича изоҳлаб, фикрнинг тасдиғи учун далил ва мисоллар келтиради.

Муаллиф кишилар ўртасидаги муносабатни белгилайдиган восита тил эканлигини, ўзбек тили ғоят гўзал ва таъсирчан, луғавий бой тиллигини алоҳида уқдиради. Кишининг сўзиданоқ унинг билими, тажрибаси, ахлоқи, одоби, ҳаттоки касб-коридан тортиб, яшаш жойигача ажралиб туришини аниқ мисоллар, қиёятлар, донишмандларнинг таърифлари орқали таҳлил этиб беради.

Инсонда яхши фазилатлар билан биргаликда қусурлар ҳам бўлади. Бу қусурлар одам фазилатлари ичра доғ бўлиб, ҳаётда нохушликларга, ҳаттоки хавф-хатарларга олиб боради. Бунга ҳасад, туҳмат, ғийбат, жаҳолат, мунофиқлик, ҳудбинлик ва бошқа иллатлар киради. Инсондаги бу салбий камчилик ва нуқсонларни йўқотиш тарбия ишининг энг мураккаб жараёнидир. Болага ёшлигиданоқ яхшилик ва ёмонликни тушунтириш, унда яхши фазилатларга ҳавас, ёмон иллатларга нафрат уйғотиш муҳимдир. Бу ўринда ўқитувчилар, тарбиячилар Мусақул Усмоновнинг «Одобнома» циклида чоп этилган китобларидаги материаллардан кенг фойдаланишлари мумкин.

— Ҳозир таълим жараёнига тадбиқ этилиши мўлжалланган дастурлар устида иш олиб бораяпмиз, — дейди муаллиф. — Шу жараёнда чоп этилган китобларимни ҳам қайта кўриб чиқишга, халқ педагогикаси дурдоналари, ҳадислар, донишмандлар ҳикоялари, ҳикматлар билан тўлдириш истаги туғилаётир. Шу ният йўлида изланаяпман. Зотан, қадриятларимиз ҳақида ҳар қанча китоблар яратсак, эл-юртимиз маънавиятини юксалтиришга шунчалик ҳисса қўшган бўламиз.

Яхши ният — учқур қанот, дейди халқимиз. Миллий қадриятларни тиклаш ва эъзозлашга йўналган М. Усмоновнинг изланишларизое кетмаслиги шубҳасиз.

М. РАҲМОНОВ.

Тарбиячи машғулот ўтказади

ОДОБНИНГ БОШИ САЛОМ

Болаларга тарбия кўникмаларни ёшликдан бошлаб бериб боришимиз лозим. Бу борада кўпчилик ўз фикр-мулоҳазалари билан чиқмоқда ва халқ тарбиясига суянган ҳолда иш олиб борилмоқда. «Сўз боши ассалом, иш боши интизом» деган яхши гап бор. Шу боис ёш болаларга илк сабоқни саломлашиш одобидан бошлаб ушбу машғулотни болалар боғчасининг катта, тайёрлов гуруҳ тарбиячилари учун ҳавола қилмоқчиман.

Тарбиячи: **1. Офтоб яхшими**

Одоб яхшими
Офтоб берар нур
Одоб-чи ҳузур.

2. Табиат учун
Офтоб яхшидир
Болалар учун
Одоб яхшидир.

— Болалар, жуда чиройли шеър эканми? Шеърнинг мазмунидан кўринib турибдики, одоблилик биз учун зарур экан. Бугунги машғулотимизда саломлашиш одоби ҳақида гаплашамиз. Мана сизлар кўп эртаклар, шеърлар, топишмоғу, халқ мақолларидан эшитгансиз.

Ривоятларларга қараганда, «салом» сеҳрли, ялмоғиз кампирга дуч келган бир киши нима қилишини билмай «Ассалому-алайкум» деб юборибди. Шунда ялмоғиз менга ҳам салом берадиганлар бор экан, деб ўйлаб: — Гар саломинг бўлмаганда икки ямлаб бир ютардим, — деган экан. Кўриниб турибдики, салом ҳар қандай одамнинг, ҳатто ёвузнинг ҳам дилини юмшатар экан.

Сиз эслаб кўринг, қайси эртакларда эшикдан кириб ассалому-алайкум, — деб айтар эди. Болалар:

— «Ур тўқмоқ» эртагида чол лайлакка салом беради.

— «Зумрад ва Қиммат» эртагида Зумрад сеҳргар кампирга.

Тарбиячи:

— Жуда тўғри эсладингиз, эртаклар эсингиздан чиқмабди. Энди саломлашганда аниқ қилиб: «Ассалому-алайкум» деб айтиш керакligini унутманг. Бу сизга соғлиқ тилайман деган маънони билдиради.

Эшикдан бир бола кириб келади ва «Ассалому-алайкум» деб таъзим қилади.

Мен саломман, саломман,
Оламдай бир, оламман.
Мени айтиб юрганни,
Одам қила оламан.

Тарбиячи: — Болажонлар, келинглар, бу болани биз ўз гуруҳимизга қўшиб оламиз. Салом бизга ҳамиша ҳамроҳ бўлсин:

Гулларим сўлим-сўлим,
Қўлимда даста гулим.
Икки қўлим кўксимда,
«Ассалому-алайкум!».

— Болалар, катталар билан қандай саломлашишни биласизларми? Кичик болалар катталарга биринчи бўлиб қўл узатмайди. Қўлларини кўксига қўйиб: — Ассалому-алайкум» деб сал таъзим қилади. Қани, ким кўрсатиб беради?

— Болалар, салом-аликнинг оддий белгиларини қисман бўлса-да, билиб олдингиз-а. Эшитинг: «Салом нима?», шеърини ўқиб бераман:

Салом — асли одамийлик,
Яхши тилак тилаш салом
Алик унга лозим жавоб.
Лекин уни билмаслардан,
Одамийлик кутмайдилар.
Салом бер деб дуч
келганни,
Ёқасидан тутмайдилар.

— Жуда яхши шеър эканми? Сизлар ҳам шунга ўхшаш саломлашиш ҳақида шеърлар биласизларми?

Болалар — биламиз, мақоллардан-чи? — Биламиз!

— Кўрдингизми, билганимиз жуда яхши! Энди «Салом берган бола» ашуласини биргаликда ижро этамиз.

Салом берган боланинг
Ўзи одобли
Кулиб турган юзлари
Гўё офтобли.
Салом бериш бу
Аъло аломат
Салом берганлар,
Бўлинг саломат..

Хуллас, ана шу тариқа болаларга одобнинг каломини ўргатиб борсак, ёмон бўлмайди, деб ўйлайман.

З. БЕГМАТОВА,
Пискент туманидаги «Баҳор» болалар боғчасининг тарбиячиси.

АКС САДО

ЧАВАНДОЗЛИККА ҚИЗИҚИШ КАТТА

«Маърифат» рўзномасининг шу йил 20 январь сонида босилган «Отдир йигитнинг йўлдоши» мақоласида яхши фикр ўртага ташланган. Чавандозлик жисмоний тарбия дарсларида ўргатилса, мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Қишлоғимизда бундай ишлар бирмунча йўлга қўйилган. Ҳафтанинг чоршанба ва жума кунлари чавандозликни ўрганмоқдамиз. Қишлоғимиздаги Шамши полвон бизга чавандозлик сирларини ўргатяпти.

Қадимда от транспорт вазифасини бажарган. Қишлоғимиз аҳолисининг деярли барчасида от бор. Биз отларга ном берганмиз: шахсан мен отимни Бойчибор деб номладим. Зора, Бойчиборга ўхшаб эгасига содиқ бўлса.

С. ҲОТАМОВ,
Булунғур туманидаги 18-мактабнинг 10-синф ўқувчиси.

Бош муҳаррир
Саъдулла ҲАКИМ.

А. Авлоний номидаги халқ таълими ходимлари малакасини ошириш Марказий институти ректорати ва касаба уюшмаси хизматчи Тоҳир Ҳамдамовга отаси

Ҳамдам МИРЗАКАРИМОВ

вафоти муносабати билан оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Таъсис этувчилар: Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги Халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Педагогика жамияти

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул секретарь — 32-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-55-58, 52-35.

Узбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмахонаси. Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Босишга топшириш вақти 20.00. Босишга топширилди 18.30.

Г-82. ИНДЕКС: 64595. Тираж 117319.

1 2 3 4 5 6.